ЎзССР Давлат китоб палатаси
Ин
Гос. книжная палата УзССР
19 0495

Илм – ўзни билмакдир

МАЪРИФАТ

MARIFAT

معرفت

Халқ зиёлилари газетаси | **1931 йилдан чиқа бошлаган** | **1995 йил 19 апрель, чоршанба** | Баҳоси сотувда эркин нархда. 16 (6662)

ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ МУЛОҚОТЛАР

Узбекистон — ҳур диёр, равнақ топаётган мамлакат. Буюк Ватанимизнинг халқаро майдондаги, жаҳон давлатлари орасидаги обрўси кун сайин ошаяпти. Буни пойтахтимизга ташриф буюраётган турли давлат бошлиқларининг қутлуғ қадамларидан ҳам билиш мумкин. Индонезия Президенти Сухарто жаноби олийларининг ўзбек диёрида меҳмон бўлиши иккала давлатнинг ҳам иқтисодий, ҳам руҳий яқинлашувига яна бир асосдир.

Европа давлатлари билан ҳамкорлик Узбекистонинг равнақи учун яна ҳам кенгроқ имкониятлар очади. Узбекистонга ўтган ҳафта расмий ташриф билан келган Германия Федератив Республикасининг Федерал Президенти Роман Герцог юртимизнинг ёркин келажагига катта ишонч билдирди.

Узбекистон Президенти Ислом Каримов ва Германия Федерал Президенти Роман Герцог икки мамлакат ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашдилар.

Германиядаги бир қанча компаниялар билан урнатилаётган алоқалар Узбекистоннинг истиқболига йўл очаётир. Хусусан, Хоразмда «Мерседес-Бенц» компанияси билан юк ташувчи автомашиналар чиқарила бошланди. Бугунги кунда мамлакатимизда «Сименс», «Даймлер Бенц», «Алкатель», «Тиссен», «Люфтганза» каби Германия концерн ва компаниялари муваффақиятли ишламоқда. «Алкатель», «Сименс» фирмаларининг энергетика, алоқа тармоқларини замон талаблари даражасига кутариш йулида қилаётган хизматлари эътиборга лойиқ.

Мартабали меҳмон Роман Герцог ва мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ўртасидаги дўстона, самимий суҳбатлар тугагандан сўнг, улар қадим Турон заминининг кўҳна ва навқирон маскани Самарқанд шаҳрига келдилар. Азим Самарқанднинг неча юз йиллик тарихидан гувоҳлик бериб турган қадимий обидалари — Улуғбек расадхонаси, Шоҳизинда ёдгорлиги, Регистон майдони, Амир Темур мақбараси ва ҳоказолар Федерал Президентга олам-олам таассурот берди.

Самарқанд сафари Бухоройи шарифдаги самимий ва дўстона учрашувларга, лаҳзаларга уланиб кетди.

***

Узбекистон иқтисодий ривожланиш босқичига кирди. Утиш давридаги муаммолар унинг узга давлатлар билан, чунончи, қушни Қозоғистон, Қиргизистон билан яқиндан алоқа урнатишини тақозо этади. Тили, маданияти, урф-одати ва таомиллари бир-бирига яқин булган Урта Осиё халқларининг узаро қушничилик муносабатлари, дустлик ва ҳамкорлиги, аслида, узоқ ўтмишга бориб тақалади.

Марказий Осиё давлатлари — Узбекистон, Қозоғистон ва Қиргизистоннинг мақсадлари муштарак. Бинобарин, савр ойининг ўтган ҳафтасида Чимкент шаҳрида бўлиб ўтган Президентлар учрашуви ҳам шуни исботлади. Одатда, давлат бошлиқлари учрашишганида ва музокаралар олиб боришганида, муҳим аҳамиятга молик ҳужжатлар имзоланади.

Қозоғистон Республикаси Президенти Н. Назарбоев, Қиргизистон Республикаси Президенти А. Акаев ва Узбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг амалий учрашувида учала давлатнинг 2000 йилга қадар иқтисодий бирлашиш дастури кўриб чиқилди ва маъқулланди.

Қиргизистон ва Узбекистон Президентлари ягона бож маконини барпо этишга содиқ эканликларини таъкидладилар ва улар Россия Федерацияси, Беларус Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасидаги бож иттифоқига тайёр эканликларини маълум қилдилар. Бу Марказий Осиё давлатларининг интеграция жараёнларини мустаҳкамлашга интилаётганининг ёркин далилидир.

Тинчликни, хотиржамликни таъминламасдан туриб, ҳеч бир давлат бирор соҳада муваффақиятга эриша олмайди. Минтақадаги барқарорликни таъминлаш мақсадида БМТ раҳбарлигида тинчликпарвар кучлар бирлашган батальонини тузишни мақсадга мувофиқ деб биладилар ва бу ташаббусни БМТ Бош котиби Бутрос Ғолий қўллаб-қувватлаётганини мамнуният билан таъкидладилар. Шунингдек, Президентлар Тожикистондаги вазиятни нормаллаштиришга ҳисса қушиш тўғрисида ҳам фикрлашиб олишди. Давлат бошлиқларининг Тожикистонга доир Баёноти қабул қилинди.

Чимкент учрашувида Ислом Каримов, Нурсултон Назарбоев, Асқар Акаевларнинг матбуот вакиллари билан учрашуви ҳам бўлиб ўтди. Унда Президентлар журналистларнинг бир қатор саволларига жавоб қайтаришди.

Хуллас, томонлар бундан буён ҳам МДҲ доирасида фаол сиёсат утказиш, регионда барқарорликни сақлаб туриш, ҳамжиҳатликка ва халқаро ҳамкорликнинг янада ривожланишига эришиш мақсадида ҳамдустликни мустаҳкамлашга қумаклашиш ниятларини изҳор қилдилар.

Ҳафта мобайнида бўлиб ўтган олий даражадаги мулоқотлар, музокаралар, суҳбат ва зиёфатлар келгусида Узбекистоннинг ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олишига озми-кўпми замин яратади. Зеро, келажакка қадам бугундан бошланади.

Ҳулкар ТЎЙМАНОВА.

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 309-Шарқ тиллари мактаб-лицейида янги турдаги мактаб директорлари учун «Ўқувчи ёшларнинг иқтисодий билимларини такомиллаштиришнинг педагогик-психологик асослари» мавзуида шаҳар илмий-амалий семинари бўлиб ўтди. Анжуманни Узбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг уринбосари, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғи Ҳ. Қ. Йўлдошев кириш сўзи билан очди.

Анжуман қатнашчилари 309-лицей директори Ш. И. Орипов, иқтисод фанлари доктори, профессор З. Ғуломов, иқтисод фанлари номзоди, доцент А. Мусаевларнинг лицейда таълим-тарбия ишлари, «Иқтисодиёт асослари» махсус курсини ўқитиш масалалари бўйича маърузаларини тингладилар ва муҳокама қилдилар.

Илмий-амалий анжуманда Узбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошев иштирок этди ва нутқ сузлади.

Анжуман қатнашчилари гуруҳларга бўлиниб, очиқ дарсларда ҳам қатнашдилар.

Ж. ИСКАНДАРОВ, мухбиримиз.

Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ЖУРНАЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Маънавий ва жисмоний баркамол авлодларни тарбиялаш ҳамда бу умумдавлат аҳамиятига молик вазифани амалга оширишда аҳолининг кенг иштирокини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси муассислигида ва Германиянинг «Гермед» фирмаси ҳаммуассислигида, Халқ таълими вазирлиги нашри бўлган «Мактабгача тарбия» журнали негизида 1995 йил 1 сентябрдан бошлаб узбек тилида ойлик илмий-тарбиявий, оммабоп, безакли «Соғлом авлод учун» журналини таъсис этиш ва унга ноширлик ҳуқуқини бериш ҳақидаги уларнинг таклифи қабул қилинсин.

2. Узбекистон Республикаси Давлат матбуот қумитаси «Соғлом авлод учун» журналини белгиланган тартибда рўйхатга олсин.

3. Қуйидагилар «Соғлом авлод учун» журналининг асосий вазифалари қилиб белгилансин:

миллий ва умуминсоний қадриятларни, ўтмиш меросимизнинг энг яхши анъаналарини ҳамда шаклланиб келаётган янги удумларни аҳолининг барча табақаларига етказиш;

халқимиз генофондини соғломлаштириш, маънавий ва жисман баркамол инсонни тарбиялаш оила, давлат ва жамиятнинг муштарак мақсади эканлигини кенг тарғиб қилиш;

таълим-тарбия, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришга қумаклашиш.

4. Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси бир ой муддат ичида:

ҳаммуассис билан биргаликда журнал таҳририяти ишини ташкил этиш билан боғлиқ ташкилий-техник масалаларни ҳал қилсинлар ва ўзларининг моддий-молиявий улушлари миқдорларини аниқласинлар;

журнал раҳбарияти ва таҳрир ҳайъатини тасдиқласинлар.

5. «Соғлом авлод учун» журналини нашр этиш харажатлари муассислар ва ҳаммуассис ажратган, шунингдек, обуначилардан ва сотувдан, ноширлик фаолиятидан тушган маблағлар ҳисобига қопланиши маълумот учун қабул қилинсин.

6. «Соғлом авлод учун» жамғармаси ходимларига берилган имтиёзлар «Соғлом авлод учун» журналининг масъул ходимларига ҳам татбиқ этилсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий масалалар ва маданият булимига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,

1995 йил 13 апрель.

«Маърифат» хабарлари

ҲИММАТЛИ ҲОМИЙЛАР

Марҳамат туманида ўқитувчиларни ижтимоий муҳофазалашга алоҳида аҳамият берилаётир.

Туман ҳокими, Узбекистон Олий Мажлиси ноиби Позилжон Мамақовнинг фармойишига биноан яшаш жойлари узоқ булган 280 нафар ўқитувчига автобусда бепул юриш учун гувоҳнома берилди.

Абдурасул ЭРАЛИЕВ.

КИЧКИНТОЙЛАР НАСИБАСИ

Туманда фаолият кўрсатаётган «Фаришта» кичик корхонаси ўзининг хайр-саховати билан кўпчиликнинг олқишига сазовор бўлмоқда. Яқинда унинг раҳбари Ҳасанбой Бурҳонов яна бир хайрли ишга қўл урди. У 5000 банка турли сабзавот маҳсулотларидан тайёрланган консерваларни болалар боғчаларига тарқатди.

ЎҚИТУВЧИЛАР АВТОБУСДА БЕПУЛ ЮРИШАДИ

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида йўл харажатлари ҳам кўтарилиб кетди. Бу, айниқса, туман марказига, узоқ қишлоқлардаги мактабларга қатнаб ишлаётган ўқитувчиларга оғирлик қилаётган эди. Наманган туман халқ таълими бўлими уларни ижтимоий ҳимояга олишга қарор қилди. Шу мақсадда Наманган транспорт давлат ҳиссадорлик бирлашмаси билан шартнома тузилди. Ўқитувчилар эндиликда автобусларда бепул юришади. Куни кеча 140 ўқитувчига транспортларда бепул юриш учун ҳужжат топширилди.

МЕТАЛЛОМ ТОПШИРИШ РЕЖАСИ БАЖАРИЛДИ

Туман мактабларининг ўқувчилари металлом топшириш ойлигида фаол иштирок этиб, қувончли ютуқни қўлга киритдилар. Улар давлатга режадаги 167 тонна ўрнига 200 тонна металл парчалари топширдилар.

Метални йиғишда 3, 8, 12, 13, 19, 20, 24, 28, 29, 36, 38-мактабнинг ўқувчилари катта ташаббус кўрсатдилар.

А. ҲОЛМИРЗАЕВ.

ЗАРАУЗСОЙ АЖОЙИБОТЛАРИ

Термиз давлат университети билан Халқаро халқ педагоглари ассоциацияси шу йил май ойида «Жаҳон халқлари педагогикаси тараққиёти ва «Зараузсой мактаби» мавзуида халқаро симпозиум ўтказишга тайёргарлик кўрмоқда.

Инсониятнинг илк маконларидан бири булган Зараузсой ғори, ундаги қоятошларга чизилган турли-туман суратлар, одамларнинг меҳнат ва ов қуроллари, ҳайвонлар тасвири барчани ҳайратга солади. Зараузсой тўғрисида илмий асарлар, мақолалар чоп этилган бўлса-да, ҳали ғор сирлари тўлиқ урганилмаган ва халқимиз инсониятнинг қадимий бу манзили тўғрисида етарли тасаввурга эга эмас.

ЎзА.

КЎРИК - ТАНЛОВ ЎТКАЗИЛДИ

Наманган туман халқ таълими бўлимига қарашли болалар боғчалари мудираларининг «Мудира-95» кўрик-танлови ўтказилди. Унда боғча-ясли мудиралари ўзларининг раҳбарлик қобилиятлари, касб маҳоратлари, билимлари ва ташаббускорликларини намойиш қилдилар.

Пировард натижада ғолиблар аниқланди. Биринчи ўрин «Навруз» болалар боғчаси мудираси Асилахон Абрақуловага, иккинчи ўрин «Ором» болалар боғчаси мудираси Муҳаррамхон Маматвалиевага, учинчи ўрин эса «Ширин» болалар боғча-ясли мудираси Хайрихон Мамадалиевага берилди.

Ғолиб мудираларга туман халқ таълими бўлимининг Фахрий ёрлиқлари ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

АБИТУРИЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Газетамизнинг ўтган сонларида Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларига кирувчилар учун ўзбек тили ва адабиёти (5 апрель 1995 йил), тарих, география (12 апрель 1995 йил) фанларидан тест савол-жавоблари эълон қилинган эди. Бугунги сонда биология фанидан тест савол-жавоблари чоп этилмоқда.

ЛИЦЕЙДА ТАНТАНА

Тошкент зилзиласидан сўнг ташкил этилган 12-ҳунар-техника билим юрти ўтган чорак аср мобайнида кўплаб бинокорлик касби эгаларини вояга етказди. Икки йил бурун миллий ҳунармандчилик лицейига айлантирилган мазкур касб-кор даргоҳига ўзининг ҳалол меҳнати билан обрў-эътибор қозонган таниқли давлат арбоби Асатилла Ашрапович Хўжаев номи берилган эди. Бу ерда Асатилла Хўжаев туғилган куннинг етмиш беш йиллиги муносабати билан унинг қадрдон дўстлари, шогирдлари, қариндош-уруғлари, билим юрти педагог ва талабалари тўпланишди.

Тантанали маросимни Акмал Икромов тумани ҳокими О.Алихўжаев кириш сўзи билан очиб, Асатилла Хўжаевнинг ҳаёт йўли ва фаолияти ҳақида илиқ сўзларни айтди.

Тошкент шаҳар уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши раиси Толип Содиқов Асатилла аканинг камтарлиги, чин инсоний хислатлари, республика пойтахтида маърифатпарварлик, ободончилик ишларига доир амалга оширган ишлари, кадрлар танлаш ва тарбиялашдаги ибрати ҳақида ҳаяжон билан гапирди.

Қорёғди маҳалла қумитаси раиси Раҳимжон Масхаров ўз маҳалладоши Асатилла аканинг ажойиб инсоний хислатлари, эл-юрт ғами билан яшаган раҳбар, яхши фарзандлар тарбиялаган оила бошлиғи сифатидаги ибрати ҳақида ҳикоя қилиб берди.

Республика халқ таълими вазири муовини, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғи Ҳамидулла Йўлдошев ҳам ўз хотираларини қисқача баён этиб, лицей педагогларидан бир гуруҳига «Халқ таълими фидойиси» кўкрак нишони ва бир ойлик маошлари миқдорида пул мукофотларини топширди.

Мухбиримиз.

Таклиф

БЕҲБУДИЙ НОМИ МУНОСИБ

Бу йил республика Вазирлар Маҳкамаси фармойиши билан улуғ маърифатпарвар адиб, жамоат арбоби Маҳмудхўжа Беҳбудий таваллудининг 120 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланади. Унинг асарларини чоп этиш билан биргаликда хотирасини абадийлаштириш борасида ҳам тадбирлар кузда тутилган.

Самарқанд вилоят педагогик ходимлар малакасини ошириш институтида ҳам бундай хайрли иш учун ҳаракат бошлаб юборилди. Яқинда Самарқандда бўлиб, илмгоҳ проректори Мурод Жабборов билан суҳбатлашганимизда институтнинг улуғ маърифатпарвар инсон Маҳмудхўжа Беҳбудий номи билан аташга қарор қилингани, айни кунда шу таклиф юқори ташкилотларга юборилганини маълум қилди. Маърифат марказига жонкуяр маърифатпарварнинг номи берилишини эшитиб, рости, хурсанд бўлдик. Негаки, Туркистон, айниқса, Самарқанд маорифи ривожи борасида ҳаётининг сўнгги кунларигача фидойилик кўрсатган зот Беҳбудийдир.

Одатда янги туғилган фарзандга машҳур кишиларнинг номини маҳалла донишмандлари кенгашиб беришган. Чунки чақалоқ ота-онасининг маънан қай даражадалигини аниқлаб, кейин номни қўйиш-қўймасликни маслаҳат қилишган. Зеро, болага ном «оғирлик» қилади, дейдилар донишмандлар.

Институт янги туғилган фарзанд эмас, бироқ Беҳбудий номининг берилиши бу даргоҳ ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди. Унда миллат равнақи учун савобли ишлар амалга оширилса, бобомизнинг руҳлари шод бўлажак. Умид қиламизки, Ш. Саидқулов раҳбарлик қилаётган бу илмгоҳ Беҳбудий номини олади ва унга муносиб фаолият кўрсатади.

Дарҳақиқат, ҳақиқий мустақил давлат фуқароси бўлиб шаклланишимизда маорифчиларнинг ўрни беқиёс. Боболаримизнинг дунёга машҳур бўлишларига маърифат сабаб, жумладан Амир Темур қурган буюк давлат замирида маърифат ва маданиятга эътибор мужассам. Айни кунда дунёга ҳар жиҳатдан устунликка даъвогарлик қилишга интилаётган Японияниг тараққиёти аср бошидаги 10-йилларда ҳукумат миқёсида маорифни ислоҳ этишнинг натижасидир.

Мустақилмиз, демакки, таълим тизимида ҳам ўзгаришлар бўлиши табиий. Хўш, эски тартибда ўқиб бир неча йиллардан буён ўқитувчилик қилаётган инсонлар бу ўзгаришларни қандай билиб оладилар? Албатта, бундай пайтда барча вазифа Республика ва вилоят малака ошириш институтлари зиммасига тушади. Хўш, ҳозирча бу даргоҳда ўзгариш қандай? Саволимизга Мурод Жабборов шундай жавоб берди:

— Аввало, илмгоҳимизнинг тизими ўзгарди. Ўтган йили у педагогик ходимлар малакасини ошириш институтига айлантирилди. Илгариги 23 та тарқоқ фан кабинетлари ўрнига 5 та кафедра, 8 та илмий услубда бўлимлар, диагоностика ва тест муаммолари лабораторияси ташкил этилди. Янги-янги ходимлар таклиф қилинди. Самарқанд дорилфунунидан ва институтлардан уч нафар фан доктори, профессорлар, етти нафар фан номзодлари ўқитувчиларнинг малакасини ошириш борасида маърузалар ўқийдилар.

Информатика ва ҳисоблаш техникаси кабинетида бажарилаётган ишлар, уюштирилаётган турли семинар ва тадбирлар бизга манзур бўлди. Энг асосийси, курс тингловчилари ўқиш билан биргаликда даволаниш имкониятига эга, яъни 200 кишига мўлжалланган санаторий-профилакторий ташкил этилибди. Биз борганимизда вилоятдаги мактаблардан таълим-тарбия бўйича директор муовинларининг машғулотлари тугаш арафасида экан. Тингловчилардан бири Нарпай туманидаги 39-ўрта мактаб директор муовини Азим Ҳасановдан санаторийдаги шароит ҳақида сураганимизда «имкон қадар шароитлар яратилаётгани, жумладан жой, уч маҳал иссиқ овқат билан таъминланаётганлиги»ни таъкидлади.

Алқисса, бу йил институтнинг 50 йиллик тўйига тайёргарлик кетаяпти. Бу тўй арафасида илмгоҳ Беҳбудий номини олса, иншоллоҳ, унинг руҳи маорифдаги янгиланишларда мададкор булгай.

Ҳалим САЙИД, «Маърифат»нинг махсус мухбири.

Қутлаймиз

«АДОЛАТ»

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси газетасининг дастлабки сони нашрдан чиқди. Янги сиёсий фирқанинг қалдирғоч нашри республикамиз маънавий, ижтимоий-маданий ҳаётида муҳим воқеадир, сўз эркинлиги йўлидаги хайрли бир ишдир.

Газетада Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг биринчи котиби Анвар Жўрабоев билан мулоқот чоп этилган. «Дендропаркдаги отишув», «Сирти ялтироқ, ичи...», «Қора дори операцияси барбод бўлди» сингари салмоқли мақолаларда нашр номига монанд равишда турли иллатлар адолат тарозусида чамалаб, фош этилади. Шунингдек, газетада сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётимизга доир бошқа мақолалар, хабарлар, лавҳалар босилган.

Умид қиламизки, навқирон газетанинг алп жамоаси матбуотимиз сафига ўзига хос ҳақконий овози билан қўшилади, зеро унинг номиёқ масъулиятлидир. Ҳазрат Алишер Навоий айтганларидай:

Қаю элки, адл унда бунёд бўлур,
Эли шоду мулки обод бўлур.

Қадаминг қутлуғ ва салобатли, овозинг ўтлуғ ва маърифатли бўлсин, «Адолат»!

«Маърифат» газетаси жамоаси.

БИОЛОГИЯ

Ўзбекистон Республикаси Олий ўқув юртларига кирувчилар учун тест савол-жавоблари

1. Бугдой уруғининг тузилишига тегишли бўлган жавобни кўрсатинг.
А) Эндосперм, уруғпалла, куртакча, муртак.
В) Муртак, эндосперм, уруғ куртакча, куртакча, илдизча.
С) Муртак, эндосперм, уруғ палла, куртакча, илдизча.
D) Эндосперм, муртак, уруғ палла, илдизча.
Е) Эндосперм, муртак, уруғ палла, куртакча, илдизча.

2. Гул формуласи $К_5$ $Т_5$ $Ч_{00}$ $У_1$ бўлган ўсимлик қайси оилага киради?
А) Томатдошлар.
В) Дуккакдошлар.
С) Крестгулдошлар.
D) Гулхайридошлар.
Е) Раъногулдошлар.

3. Узидан чангланиш хоссасига эга бўлган гулларга хос бўлган белгилар қайсилар?
А) Гуллари ҳидли.
В) Чангчиси йирик, ёпишқоқ.
С) Чангчи ва уруғчи бир вақтда етилади.
D) Чангчи ва уруғчи ҳар хил узунликда.
Е) Гуллари майда, рангли.

4. Папоротникларнинг органлари келтирилган жавобни кўрсатинг.
А) Поя, барг, ризоидлар, гул.
В) Поя, барг, ризоидлар.
С) Куриниши ўзгарган барг, илдизпоя, қўшимча илдизлар.
D) Илдиз, барг, поя, гул.
Е) Илдиз, барг, поя.

5. Гидра озиғининг ҳазм бўлмаган қисмидан қандай холи булади?
А) Оғиз тешиги орқали.
В) Қисқарувчи вакуолалар орқали.
С) Бутун тана юзаси орқали.
D) Аналь тешиги орқали.
Е) Тешиклари орқали.

6. Зараркунанда ҳашаротларга қарши курашда қайси ҳашаротлар одамнинг биологик ёрдамчилари ҳисобланади?
А) Бўкалар.
В) Суналар.
С) Йайдоқчилар.
D) Асаларилар.
Е) Шохсимон думлилар.

7. Балиқнинг бош мияси қандай бўлимлардан ташкил топган?
А) олдинги мия, ўрта мия, мияча, узунчоқ мия.
В) Узунчоқ мия, оралиқ мия, мияча, олдинги мия.
С) Олдинги мия, оралиқ мия, ўрта мия, узунчоқ мия.
D) Олдинги мия, оралиқ мия, ўрта мия, мияча.
Е) Олдинги мия, оралиқ мия, ўрта мия, мияча, узунчоқ мия.

8. Тимсоҳнинг қон айланиш системаси ва юраги қандай тузилишга эга?
А) юраги 4 камерали, қон айланиш системаси — ёпиқ.
В) юраги 2 камерали, қон айланиш системаси — ёпиқ.
С) юраги 2 камерали, қон айланиш системаси — очиқ.
D) юраги 3 камерали, қоринчалар ўртаси тўла бўлмаган тўсиқлари мавжуд, қон айланиш системаси — ёпиқ.
Е) юраги 3 камерали, қон айланиш системаси — ёпиқ.

9. Қушлар ва сут эмизувчилар тузилишидаги ўхшаш белгилар?
А) Умуртқа поғонасининг 5 қисмдан иборатлиги, ўпка ва айириш органларининг ривожланганлиги.
В) Умуртқа погонасининг 5 қисмдан иборатлиги, 4 камерали юрак, 2 та қон айланиш доираси, катта ярим шарларнинг ривожланганлиги.
С) Йўлдошнинг мавжудлиги, 4 камерали юрак, 2 та қон айланиш доираси ва умуртқа поғонасининг 5 қисмдан иборатлиги.
D) Умуртқа поғонасининг 5 қисмдан иборатлиги, жуфт кўпайиш органлари, йўлдошнинг мавжудлиги.
Е) Упка ва бронх тармоқларининг ривожланганлиги, жуфт кўпайиш органлари мавжудлиги.

10. Тизза рефлексида рефлектор ёйлари йўли кетма-кетлиги. Тўғри кўрсатилган жавобни топинг.
А) Рецептор-ҳаракатлантириш нейрон-марказий нерв системаси-сезувчи нейрон-олинган қўзғалишга реакция кўрсатувчи ишчи орган.
В) Рецептор-сезувчи нейрон-марказий нерв системаси-ҳаракатлантириш нейрон-олинган қўзғалишга реакция кўрсатувчи ишчи орган.
С) Рецептор-ҳаракатлантириш нейрон-сезувчи нейрон-олинган қўзғалишга реакция кўрсатувчи ишчи орган.
D) Рецептор-сезувчи нейрон-катта ярим шарлар пўстлоғи.
Е) Рецептор-сезувчи нейрон-катта ярим шарлар пўстлоғи — олинган қўзғалишга реакция кўрсатувчи ишчи орган.

11. Қайси юқумли касаллик онанинг қони орқали хомилага ўтиб, хомилани ўлимга маҳкум этади?
А) Жигар раки.
В) СПИД.
С) Сил.
D) Вабо.
Е) Гиёҳвандлик.

12. Модда алмашинуви жараёнидан ҳосил буладиган якуний моддалар?
А) Карбонат ангидрид, сув.
В) Аминокислоталар, минерал тузлари, сийдик.
С) Глицерин ва ёғ кислоталар, сийдик.
D) Сийдик, минерал тузлари, карбонат ангидрид гази, сув.
Е) Глюкоза, глицерин, ёғ кислоталар.

13. Ёшлик вақтида гипофиз гармони кўпайиб кетганда қандай касаллик ривожланади?
А) Базедов касаллиги.
В) Новчалик.
С) Кретинизм.
D) Қанд диабети.
Е) Микседема.

14. Эшитиш анализатори тушунчасига нималар киради?
А) Рецептор, эшитиш нерви, эшитиш зона қобиғи.
В) Эшитиш йўли, лабиринт (ярим доира каналлари), эшитиш зона қобиғи.
С) Қулоқ супраси, ташқи эшитиш йўли, рецептор, эшитиш нерви.
D) Эшитиш йўли, қулоқ пардаси, эшитиш суякчалари.
Е) Эшитиш суякчалари, чиганоқ, эшитиш зона қобиғи.

15. Турнинг критерийси (мезон)ини белгиланг?
А) Морфологик, генетик, физиологик, биохимиявий.
В) Морфологик, генетик, физиологик, биохимиявий, географик.
С) Морфологик, генетик, физиологик, биохимиявий, экологик.
D) Морфологик, генетик, физиологик, географик, экологик.
Е) Морфологик, генетик, экологик.

16. Ч. Дарвин нимани эволюциянинг ҳаракатлантирувчи кучлари деб ҳисобланган?
А) Ирсий ўзгарувчанлик, яшаш учун кураш ва табиий танланиш.
В) Меҳнат ва яшаш учун кураш.
С) Яшаш учун кураш ва ирсий ўзгарувчанлик.
D) Ирсий ўзгарувчанлик ва табиий танланиш.
Е) Зотларнинг ва навларнинг одам томонидан олиб бориладиган танлаш.

17. Тузилишнинг юқори даражага кўтарилиши юз бермайдиган эволюцион ўзгариш номи қайси жавобда тўғри кўрсатилган?
А) Ароморфоз.
В) Дегенерация.
С) Регресс.
D) Прогресс.
Е) Идиоадаптация.

18. Зарпечак ўсимлигининг илдизлари ўрнига поясида сўғичлар ҳосил бўлиб, бошқа ўсимликлар танасидан озиқ моддаларни сўриб олади. Эволюциянинг қайси йўналишида кузатилади?
А) Биологик регресс.
В) Ароморфоз.
С) Идиоадаптация.
D) Умумий дегенерация.
Е) Биологик прогресс.

19. Биогеоценозда муҳитнинг ўзаро таъсир этадиган омилларини кўрсатинг:
А) Абиотик, антропоген, чекловчи.
В) Биотик, антропоген, чекловчи.
С) Антропоген, биотик, абиотик.
D) Фақат абиотик.
Е) Абиотик, чекловчи, биотик.

20. Яқин қон-қардошлар чатиштирилганда қандай мақсад кўзланади?
А) Гетерозигот популяцияларни ҳосил қилиш.
В) Гетерозисни юзага чиқариш.
С) Ҳаётчанликни кучайтириш.
D) Гибридлар кейинги авлодининг хоссаларини яхшилаш.
Е) Кутилган белгили гомозигот зот ҳосил қилиш.

21. Транскрипция нима?
А) Бир ҳужайрадан иккинчи ҳужайрага ирсий материални етказиб бериш усули.
В) Генетик ахборотнинг и-РНКга кўчирилиш жараёни.
С) Генетик ахборот «ҳисобланиб», оқсилнинг полипептид занжири синтези жараёни.
D) Бегона ДНК кириши натижасида, ҳужайра ирсий хоссаларининг ўзгариши.
Е) Молекулаларнинг фазода бир-бирининг ўрнини тўлдириши ва бунинг натижасида водород богларини ҳосил қилиши.

22. Эркак ва уруғчи сут эмизувчилар хромосомалари ўртасидаги фарқ нимадан иборат?
А) Эркакнинг хромосомалари сони биттага кўп.
В) Шаклида фарқ бор.
С) Эркагида — XY хромосома, уруғчисида — XX.
D) Эркагида уруғчига нисбатан битта хромосома кам.
Е) Фарқ йўқ.

23. Икки доминант белгили гомозигот генотипни аниқланг.
А) АаВв
В) ААВв
С) ААВВ
D) ааВВ
Е) АаВВ

24. Қандай чатиштиришда ажралиш фенотип буйича 1:2:1 ва генотип буйича 1:2:1 схемада боради?
А) Дидурагайда.
В) Таҳлилийда.
С) Чала доминантлида.
D) Бундай бўлиниш умуман бўлмайди.
Е) Монодурагайда.

25. Какку зигири мохи қандай тузилишга эга?
А) Илдиз, барг, поя.
В) Илдиз, поя, куриниши ўзгарган барг.
С) Поя, барг, ризоидлар.
D) Поя, барг, ризоидлар, гул.
Е) Илдиз, барг, поя, гул.

26. Қисқичбақасимонларда ҳазм бўлмаган моддалар организмдан қандай чиқариб юборилади?
А) Бир жуфт яшил безлар орқали.
В) Тешикчалар орқали.
С) Оғиз бўшлиги орқали.
D) Баданнинг юза қисми орқали.
Е) Аналь тешиги орқали.

27. Қайси жавобда балиқларнинг қон айланиш системаси тўғри кўрсатилган?
А) Очиқ; юраги 3 камерали.
В) Ёпиқ; юраги 3 камерали, 2 та қон айланиш доираси бор.
С) Ёпиқ; юраги 2 камерали, битта қон айланиш доираси бор.
D) Ёпиқ; юраги 2 камерали, қони аралашган.
Е) Очиқ; юраги 2 камерали.

28. Тез калтакесакнинг юрак ва қон айланиш системасининг тузилиши қандай?
А) 4 камерали, қон айланиш системаси — ёпиқ.
В) 2 камерали, қон айланиш системаси — ёпиқ.
С) 2 камерали, қон айланиш системаси — очиқ.
D) 3 камерали, юрак қоринчалари ўртасида тўла бўлмаган тўсиқлари бор, қон айланиш системаси — ёпиқ.
Е) 3 камерали, қон айланиш системаси — ёпиқ.

29. Бақанинг олдинги оёқ камар суяклари қайсилар?
А) Тўш суяги, кўкрак тиргак суялари, умров суяклари, курак суяклари.
В) Тўш суяги, умров суяклари, курак суяклари.
С) Тўш суяги, кўкрак тиргак суяклари, курак суяклари.
D) Умров суяклари, кўкрак тиргак суяклари, курак суяклари.
Е) Тўш суяги, умров суяклари, елка суяги.

30. Учаётган қуш ўпкалари узлуксиз равишда нима ҳисобига янги ҳаво билан таъминланади?
А) Икки маротаба нафас олиш.
В) Кўкрак қафас ҳажмининг катталиги.
С) Бронхларнинг кучли ривожланганлиги.
D) Кўкрак мускулларининг кучли қисқариши.
Е) Упкаларининг кучли ривожланганлиги.

31. Кўздан катта ярим шарлар пўстлоғининг кўриш зонасига сигнал қайси йўл билан боради?
А) Рецептор-ҳаракатлантириш нейрони-қўшимча нейрон-катта ярим шарлар пўстлоғининг кўриш зонаси.
В) Рецептор-сезувчи нейрон-катта ярим шарлар пўстлоғининг кўриш зонаси.
С) Рецептор-сезувчи нейрон-катта ярим шарлар пўстлоғининг кўриш зонаси-ҳаракатлантириш нейрони-кўз.
D) Рецептор-ҳаракатлантириш нейрони-катта ярим шарлар пўстлоғининг кўриш зонаси.
Е) Рецептор-сезувчи нейрон-қўшимча нейрон-марказий нерв системаси.

32. Қандай касалликка чалинган одам иммунитетини йўқотиб, ҳар қандай инфекция касаллигига тезда дучор булади?
А) Қутуриш.
В) СПИД.
С) Сил.
D) Гиёҳвандлик.
Е) Упка раки.

33. Туфукнинг функциясини аниқланг.
А) Овқатни майдалаш, ёгларни парчалаш, зарарсизлантирувчи моддалар-лизоцим.
В) Овқатни ҳўллаш, ёгларни, оқсилларни, углеводородларни парчалаш.
С) Оқсил ва ёгларни бошланғич поғонада парчалаш, овқатни ҳўллаш.
D) Овқат ҳўллаш, углеводларни парчалаш, зарарсизлантирувчи моддалар-лизоцим.
Е) Овқатни майдалаш, оқсилларни парчалаш, зарарсизлантирувчи моддалар-лизоцим.

34. Қалқонсимон без ишлаб чиқарадиган гармон етишмаганда қандай касалликлар ривожланади?
А) Қандли диабет.
В) Микседема.
С) Базедов касаллиги.
D) Новчалик (гигантизм).
Е) Паканалик.

35. Кўриш анализатори тушунчасига нималар киради?
А) Тўр парда, кўриш зонаси.
В) Шох парда, тўр парда, кўриш нерви.
С) Рецептор, кўриш нерви, мия пўстлоғининг кўриш зонаси.
D) Гавҳар, рецептор, кўриш нерви.
Е) Қорачиқ, кўриш нерви, мия пўстлоғининг кўриш зонаси.

36. Эволюциянинг мослашув хусусияти нимада кўринади?
А) Организмларнинг сонини кўпайишида.
В) Организмнинг ташқи муҳит таъсирларига мослашуви.
С) Организмнинг табиий танланиш ва яшаш учун кураш билан тўқнашишида.
D) Организмда янги белгиларни пайдо булиши.
Е) Организмларнинг яшаш учун курашда устун келишида.

37. Яшаш учун курашнинг қайси шакли кескинроқ булади?
А) Ҳар хил тур индивидлар ўртасида.
В) Тур билан анорганик табиат ўртасидаги кураш.
С) Бир тур ҳайвонлар ичидаги.
D) Бир тур ўсимликлар ўртасида.
Е) Бир тур индивидлар ичида.

38. Тузилишини соддалашувига олиб келувчи эволюцион ўзгариш қандай номланади?
А) Араморфоз.
В) Дегенерация.
С) Регресс.
D) Хусусий мослашув.
Е) Идиоадаптация.

39. Ҳозир Ер юзида 1 млн. турга яқин ҳашарот бор. Бунда қандай биологик ҳодиса кузатилади?
А) Биологик регресс.
В) Ароморфоз.
С) Идиоадаптация.
D) Умумий дегенерация.
Е) Биологик прогресс.

40. Берилган учта ҳар хил факторлардан қайси бирлари экологик факторларнинг компонентини ташкил этади?
А) Чекловчи, антропоген, биотик.
В) Абиотик, биотик, антропоген.
С) Чекловчи, абиотик, биотик.
D) Абиотик, биологик, биотик.
Е) Биотик, биологик, антропоген.

41. Рибосомалар ҳужайранинг қайси органоидида жойлашади?
А) Хлоропластларда.
В) Силлиқ эндоплазматик турда.
С) Донадор эндоплазматик тўрда.
D) Гольджи аппаратида.
Е) Митохондрияларда.

42. Қандай оқсиллар оддий оқсиллар дейилади?
А) Сувда эрийдиган моддалар.
В) Гидролизланганда аминокислота ва бошқа хил органик моддаларга ажраладиган.
С) Гидролизланганда фақат аминокислотларга ажраладиган.
D) Гидролизланганда аминокислота ва неорганик моддаларга ажраладиган.
Е) Гидролизланмайдиган моддалар.

43. Қандай хромосомалар гомологик хромосомалар дейилади?
А) Бир турга кирувчи организм хромосомалари.
В) Морфологик ўхшаш хромосомалар.
С) Бир хил ўхшаш хромосомалар.
D) Бир геннинг турли шаклдаги хромосомалари.
Е) Бир хил белгини билдирувчи.

44. Бир белги буйича гетерозигот бўлган генотипни аниқланг?
А) аа
В) Аа Вв
С) АА
D) ААВВ
Е) Аа

45. Қандай чатиштиришда белгиларнинг ажралиши 9:3:3:1 формула орқали боради?
А) Чала доминантликда.
В) Тетродурагайда.
С) Монодурагайда.
D) Дидурагайда.
Е) Таҳлилий чатиштиришда.

46. Уруғнинг запас озиқ моддалар сақловчи қисми қандай номланди?
А) Эндосперм.
В) Куртакча.
С) Илдизча.
D) Муртак.
Е) Муртак халтаси.

47. Гулнинг $К_5$ $Т_{2+2+1}$ $Ч_{(9+1)}$ $У_1$ формуласи қайси оилага хос?
А) Крестгулдошлар.
В) Дуккакдошлар.
С) Томатдошлар.
D) Пиёзгулдошлар.
Е) Раъногулдошлар.

48. Четдан чангланувчи гулларнинг характерли белгиларини кўрсатинг:
А) Гуллари майда, рангсиз, чанглари қуруқ.
В) Гуллари тўпгул, ҳидсиз, чанглари ёпишқоқ.
С) Гуллари майда, ҳидли, очилмайдиган, чанглари қуруқ.
D) Гуллари майда, очиладиган, чанглари қуруқ.
Е) Гуллари рангли, ҳидли, чанглари ёпишқоқ.

49. Помидор ўсимлиги қандай илдиз системасига эга?
А) Илдиз туганак.
В) Ўқ илдиз.
С) Илдизпоя.
D) Қўшимча илдиз.
Е) Попук илдиз.

50. Бир йиллик шохланмаган поя қандай номланади?
А) Новда.
В) Гул.
С) Гажаклар.
D) Куртак.
Е) Ўсимта.

51. Ачамбити қайси оилага мансуб ўсимлик?
А) Томатдошлар.
В) Крестгулдошлар.
С) Дуккакдошлар.
D) Гулхайридошлар.
Е) Раъногулдошлар.

52. Узбекистонда қайси сув ўтлари чорва молларига ем сифатида берилади?
А) Хлорелла.
В) Кладофора.
С) Слирогира.
D) Хара.
Е) Хламидомонада.

53. Қандай ўсимликлар эфемерлар дейилади?
А) Баҳорда, ёзда яшайди, кузда ва қишда қурийди.
В) Баҳорда яшайди, қолган фаслларда қуриб қолади.
С) Баҳорда яшайди, ёзда, кузда ва қишда сўлиб қолади.
D) Ёзда ва кузда ўсиб ривожланади, қолган фаслларда нобуд булади.
Е) Фақат кузда, қишда ва баҳорда яшайди, ёзда қуриб қолади.

54. Дарё қисқичбақасининг мувозанат ва эшитиш органи қаерда жойлашган?
А) Узун мўйлабида.
В) Узун мўйлаблар асосида.
С) Калта мўйлаблар асосида.
D) Бош кўкрак қисмида.
Е) Ҳаракатчан поячада жойлашган.

55. Бақачаноқ личинкаси қаерда ўсиб улгаяди?
А) Сув тубида.
В) Балиқ танасида.
С) Шиллиқ қурт танасида.
D) Қорамолда.
Е) Мантия бушлиғида.

56. Ҳашаротлардаги ёғ таначаларининг вазифаси нимадан иборат?
А) Сувни сақлаш.
В) Яшаш учун зарур бўлган моддаларни йиғиш.
С) Зарарли ва заҳарли моддаларни ажратиш, йиғиш.
D) Тана ҳароратини бошқариш.
Е) Озуқани ғамлаш.

57. Берилган қаторлардаги қайси ҳайвонлар тухум қўйиб кўпаяди?
А) Қора тишли ер қазар.
В) Коала.
С) Крот.
D) Ехидна.
Е) Кенгуру.

58. Қуйидаги ҳайвонларнинг қайси бири содда сут эмизувчилардан ҳисобланади?
А) Ехидна.
В) Қуршапалак.
С) Крот.
D) Типратикан.
Е) Кенгуру.

59. Катта ёшли одамнинг юраги неча граммни ташкил этади?
А) 200-250 гр.
В) 300-350 гр.
С) 350-400 гр.
D) 150-200 гр.
Е) 250-300 гр.

60. Қоннинг катта қон айланиш доираси буйлаб айланиб чиқишга қанча вақт кетади?
А) 5 минут.
В) 45 сек.
С) 30-36 сек.
D) 30 минут.
Е) 20-23 сек.

61. Қандай органик бирикма органимиздаги асосий қурилиш материали булиб хизмат қилади?
А) Оқсиллар.
В) Ёғлар.
С) Углеводлар.
D) Нуклеин кислотаси.
Е) Минерал тузлар.

62. Қуйидаги касалликлардан қайси бирида томоқнинг шиллиқ пардаси яллигланади ва бунинг натижасида пайдо бўлган заҳар қон орқали бутун организмга тарқалиб, унинг заҳарланишига сабаб булади?
А) Дифтерия (буғма).
В) Цинга.
С) Бери-бери.
D) Скарлатина (қизилча).
Е) Ангина.

63. Нерв тўқимасининг асосий хусусиятларини кўрсатинг.
А) Қўзғалувчанлик, ўтказувчанлик.
В) Автоматия, ўтказувчанлик.
С) Мустаҳкамлик, эластиклик.
D) Эластиклик, ўтказувчанлик.
Е) Қўзғалувчанлик, қисқарувчанлик.

64. Органик олам эволюциясини ҳаракатлантирувчи асосий кучлар нима?
А) Ароморфоз, идиоадаптация, умумий дегенерация.
В) Яшаш учун кураш.
С) Табиий танланиш.
D) Яшаш учун кураш ва ирсий ўзгарувчанлик асосидаги табиий танланиш.
Е) Биологик прогресс ва биологик регресс.

65. Яшаш шароити ўзгарганда тур ичида белгиларнинг ажралиш жараёни нима деб аталади?
А) Дегенерация.
В) Идиоадаптация.
С) Дивергенция.
D) Регенерация.
Е) Конвергенция.

66. Эволюциянинг қайси йўналишлари биологик регрессга олиб келади?
А) Умумий дегенерация.
В) Идиоадаптация ва умумий дегенерация.
С) Ароморфоз.
D) Ароморфоз, идиоадаптация, умумий дегенерация.
Е) Идиоадаптация.

67. Биогеоценозни ва унда рўй берадиган жараёнларни таърифлаш учун қандай кўрсаткичларни билиш зарур?
А) Озиқ занжири, автотрофлар, гетеротрофлар.
В) Продуцентлар, редуцентлар, консументлар.
С) Турларнинг яхлитлиги, популяциянинг тарқоқлиги, биомасса.
D) Ҳар хил турлар популяциялари, жонсиз табиат факторлари, биомасса.
Е) Турлардаги хилма-хиллик, популяциялар зичлиги, биомасса.

68. «Қизил китоб»да қандай ўсимлик ва ҳайвонлар турлари қайд қилиб борилади?
А) Йўқолиб кетган турлар. Йўқолиб бораётган турлар. Йўқолиш арафасида турган турлар. Ноаниқ турлар.
В) Қирилиб кетган турлар. Сони камайиб бораётган турлар. Ноаниқ турлар. Муҳофаза қилиниши зарур бўлган турлар.
С) Йўқолиб бораётган турлар. Сони кескин камайиб кетган турлар. Йўқолиш арафасида турган турлар. Ноёб турлар.
D) Йўқолиб бораётган турлар. Ноёб турлар. Сони камайиб бораётган турлар. Ноаниқ турлар.
Е) Қирилиб кетган турлар. Қирилиб бораётган турлар. Ноёб турлар. Камайиб бораётган турлар.

69. Прокариот ҳужайрали организмлар қайсилар?
А) Фақат бир ҳужайрали сув ўтлари.
В) Сув ўтлари ва замбуруғлар.
С) Бактериялар ва бир ҳужайрали яшил сув ўтлари.
D) Бактериялар ва кўк яшил сув ўтлари.
Е) Фақат бактериялар.

70. Рибосомаларнинг таркибига нималар киради?
А) ДНК ва РНК.
В) Оқсил ва РНК.
С) Ёғлар ва ДНК.
D) Оқсил ва ДНК.
Е) Ёғлар ва РНК.

71 Ҳужайра булинишининг қайси даврида «бўлиниш урчуғи» (дуги) ҳосил булади?
А) Интерфазада.
В) Профазада.
С) Анафазада.
D) Телофазада.
Е) Метафазада.

72. ...организмларга гетерозигот организмлар дейилади?
А) Мазкур хромосомалар жуфти таркибида ҳар хил генлар булган...
В) Турли жуфт хромосомаларда бир хил гаметалар ҳосил қиладиган...
С) Турли жуфт хромосомалари таркибида турли генлар булган...
D) Ҳамма жавоблар нотўғри...
Е) Мазкур хромосома жуфтида фақат бир хил гаметаларни ҳосил қиладиган...

73. Агар оқ ранг доминант бўлса, оқ рангли уруғочи қўй оқ рангли қўчқор билан чатиштирилса, қора рангли қўзичоқ туғилиши мумкинми?
А) Икки вариант бўлиши мумкин.
В) Қора рангли бўлиши мумкин, фақат F1 да эмас.
С) Ташқи муҳитга боғлиқ.
D) Йўқ, мумкин эмас.
Е) Ҳа, мумкин.

74. Попук илдиз системаси қандай илдиз турларидан ташкил топган?
А) Фақат қўшимча илдиз.
В) Асосий илдиз, ён илдиз, қўшимча илдиз.
С) Асосий илдиз, ён илдиз.
D) Асосий илдиз, қўшимча илдиз.
Е) Ён илдиз, қўшимча илдиз.

75. Қандай ўсимликлар икки уйли ўсимликлар деб аталади?
А) Чангчи гуллари бошқа ўсимликда, уруғчи гуллари бошқа ўсимликда бўлса.
В) Битта ўсимликда ҳам чангчи, ҳам уруғчи гуллари жойлашган бўлса.
С) Битта ўсимликда фақат уруғчи гуллари бўлиб, чангчи гуллари бўлмаса.
D) Битта ўсимликда фақат чангчи гуллари бўлиб, уруғчи гуллари бўлмаса.
Е) Битта ўсимликда ҳам чангчи, ҳам уруғчиси бўлган икки жинсли гуллари бўлса.

76. Гулнинг $К_4$ $Т_4$ $Ч_{4+2}$ $У_1$ формуласи қайси оилага хос?
А) Пиёзгулдошлар.
В) Раъногулдошлар.
С) Крестгулдошлар.
D) Дуккакгулдошлар.
Е) Томатдошлар.

77. Олма қандай тўпгулларга эга?
А) Қалқончасимон.
В) Саватча.
С) Рувак.
D) Оддий соябон.
Е) Оддий шингил.

78. Ғузанинг бактериал касаллигини топинг?
А) Ғузани вилт касаллиги.
В) Ғуза мозаикаси.
С) Ғуза гоммози.
D) Қоракуя билан касалланган ғуза.
Е) Ғузани вертицилиоз касаллиги.

79. Курсатиб ўтилган ҳайвонларнинг қайси бири айрим жинсли?
А) Жигар қурти.
В) Чиганоқли шилиққурт.
С) Аскарида.
D) Оқ планария.
Е) Гидра.

80. Жигар қуртининг асосий хўжайини ким?
А) Ток шилиққурти.
В) Чиганоқли шилиққурт.
С) Йирик шохли қорамол.
D) Майда қорамол.
Е) Одам.

81. Клоакага қайси орган ва безларнинг шохобчалари келиб туташади?
А) Жинсий безлар, ичак, сийдик йўллари.
В) Жигар, ичак, жинсий безлар.
С) Ошқозон ости безлари, жинсий безлар, сийдик йўллари.
D) Сийдик йўллари, жигар, ичак.
Е) Ичак, жигар, ошқозон ости безлари.

82. Калтакесак умуртқасининг қайси булими ҳаракатчан?
А) Думи.
В) Бўйни.
С) Кўкраги.
D) Бели.
Е) Думғазаси.

83. Қайси ҳайвонларнинг тишлари бутун ҳаёти давомида ўсади?
А) Тоқ туёқлилар.
В) Ҳашаротхўрлар.
С) Кемирувчилар.
D) Жуфт туёқлилар.
Е) Йиртқичлар.

84. Одам организмида таҳминан қанча капилляр қон томирлари мавжуд?
А) 200 млрд.
В) 150 млн.
С) 150 млрд.
D) 200 млн.
Е) 100 млрд.

85. Одамнинг қанча қон йўқотиши ўлимга олиб келиши мумкин?
А) 2—2,5 л.
В) 2,5—3 л.
С) 4 л.
D) 1—1,5 л.
Е) 3 л.

86. Хлорид кислотаси қаерда ҳосил бўлади?
А) Жигарда.
В) Сўлак безларида.
С) Ошқозон ости безларида.
D) Ошқозон безларида.
Е) Истеъмол маҳсулотларини қайта ишлаш йули билан.

87. Ошқозон ости бези гармони етишмаганда қандай касаллик ривожланади?
А) Қандли диабет.
В) Микседема.
С) Базедов касаллиги.
D) Новчалик.
Е) Паканалик.

88. Организм ички муҳитининг доимийлиги нима туфайли:
А) Организмнинг сув ва эриган озиқ моддалар билан таъминланиши.
В) Қон циркуляцияси.
С) Тўқималараро суюқлик.
D) Плазма.
Е) Қон, лимфа, ва тўқималараро суюқликнинг доимий алмашиниши.

89. Муайян муҳит шароитида фойдали ўзгаришлари бор бўлган индивидларнинг яшаб қолишига ва ўзидан кейин насл қолдиришига олиб келадиган жараён қандай номланади?
А) Стабиллаштирувчи танланиш.
В) Яшаш учун кураш.
С) Ирсий ўзгарувчанлик.
D) Табиий танланиш.
Е) Модификацион ўзгарувчанлик.

БИОЛОГИЯ

Ўзбекистон Республикаси Олий ўқув юртларига кирувчилар учун тест савол-жавоблари

90. Популяцияларнинг аралашиб кетишига тўсқинлик қиладиган қандай тўсиқлар мавжуд?
А) Генетик, географик, экологик, биологик.
В) Географик ва биологик.
С) Географик ва экологик.
D) Экологик ва биологик.
Е) Генетик ва экологик.

91. Эволюциянинг қайси йўналишлари биологик прогрессга олиб келади?
А) Ароморфоз, идиоадаптация ва умумий дегенерация.
В) Ароморфоз.
С) Идиоадаптация.
D) Умумий дегенерация.
Е) Ароморфоз ва идиоадаптация.

92. Кенг баргли ўрмон биогеоценози энг юқори ярусини қандай ўсимликлар ташкил қилади?
А) Дуб, жўка, ўрмон ёнғоғи.
В) Дуб, шумтол, жўка.
С) Заранг, олма, нок.
Ўрмон ёнғоғи, бересклет,
D) итжумрут.
Е) Дуб, шумтол, заранг.

93. Эволюция жараёнида ҳар бир турда зўр бериб ўсиш ва ривожланиши, кўпайиши, қишга тайёрланиши ва қишлаши билан боғлиқ бўлган ҳолда юзага келадиган ўзига хос йиллик цикл нима деб аталади?
А) Мавсумий мослашиш
В) Фотопериодизм.
С) Биологик соат.
D) Биологик ритм.
Е) Табиатдаги мавсумийлик.

94. Вируслар қаерда ва қандай шароитда кўпаяди?
А) Ёруғлик, намлик, иссиқлик етарли бўлганда.
В) Иссиқ температура ва озиқ етарли бўлганда.
С) Ҳар қандай жойда ва температурада.
D) Фақат бошқа организмлар ҳужайрасида.
Е) Чиринди моддалар кўп бўлган жойларда.

95. Қуйида берилган моддалардан қайси бири лизосоманинг таркибига киради?
А) Нуклеин кислоталар.
В) Оқсиллар.
С) Липидлар.
D) Углеводлар.
Е) Ферментлар.

96. ДНКнинг АГЦТААТЦГТАЦ занжирига мос бўлган комплементар нуклеотидларни топинг?
А) ГТГЦАТУУГЦАТ
В) ЦАТГЦЦАЦАГТГ
С) ГТГТУУГТГАТЦ
D) ТЦГАТТАГЦАТГ
Е) УЦАГТГЦГТТАЦ

97. Фенотип нима?
А) Ички ва ташқи белгиларнинг йиғиндиси.
В) Генларнинг йиғиндиси.
С) Ички белгиларнинг йиғиндиси.
D) Генларнинг ва белгиларнинг йиғиндиси.
Е) Ташқи белгиларнинг йиғиндиси.

98. Шоҳсиз гомозигот буқа ва шоҳли гомозигот сигир чатиштирилганида, шоҳсиз бузоқ дунёга келса, қайси белгининг доминантлиги кузатилади?
А) Ирсий чатишув.
В) Шоҳли белги.
С) Оралиқ белги
D) Дигибрид чатиштириш.
Е) Шоҳсизлик гени.

99. Уруғларни унишида нималар кузатилади?
А) Нафас олиши тезлашади, иссиқлик кўп талаб қилинади, гидролитик жараёнлар фаоллашади.
В) Моддалар алмашиши сусаяди.
С) Модда ва энергия алмашиши сусаяди.
D) Иссиқликнинг ажралиши сусаяди, ёруғликни кўп талаб қилади.
Е) Озуқа моддалар кўпроқ тўпланади.

100. Қайси ўсимликларда ўқ илдиз ривожланган?
А) мох фунарияда
В) пахтада
С) қирқбўғинда
D) қирққулоқда
Е) буғдойда

101. Хроматофор нима?
А) сув ўтларининг йирик пигмент сақловчи йирик хлоропласт;
В) қирққулоқларда ҳаракатни таъминловчи орган;
С) гулли ўсимликларнинг озуқа тўпловчи органи;
D) бактерияларнинг ёруглик сезувчи органи;
Е) бир паллали ўсимликларнинг кўпайиш органи.

102. Сув ва минерал моддалар ўсимликнинг қандай тўқималари орқали ўтади?
А) лубни тўрсимон найлари
В) ёғочлик найлари
С) толалар
D) камбий
Е) флоэма

103. Муртак халтачасининг уруғланган марказий ядросидан нима ривожланади?
А) уруғ муртаги
В) уруғ пўсти
С) мева
D) эндосперм
Е) бошланғич куртак

104. Бир паллали ўсимликларга қайсилар киради?
А) читир
В) тугмачагул
С) чайир
D) бўзтикон
Е) сурепка

105. Нима учун гулли ўсимликлар ёпиқ уруғлилар дейилади?
А) авлодлар алмашиши бўлгани учун;
В) уруғлар билан кўпайгани учун;
С) генератив органлари гул қўрғони билан ҳимояланган учун;
D) уруғ муртаги бўлгани учун;
Е) уруғ тугунча (мева) ичида ривожланган учун.

106. Қуйидаги маданий усимликлар қаторларининг қайси бири гулхайридошлар оиласига мансуб?
А) ғўза, каноп, чиннигул;
В) ғўза, тугмачагул, наъматак;
С) ғўза, ажриқ, гулибахмал;
D) ғўза, тугмачагул, ялпиз;
Е) ғўза, каноп, бўритароқ.

107. Қайси ўсимликлар торф ҳосил қилади?
А) фунария
В) тортула
С) сфагнум
D) қирқбўғин
Е) плаун

108. Сув ўтлари қандай йўл билан кўпаяди?
А) жинссиз
В) жинсий
С) куртакланиш
D) ҳам жинссиз, ҳам жинсий
Е) вегетатив

109. Қайси ўсимлик гуруҳлари мохларга киради?
А) плаун, қирққулоқ, фунария;
В) плаун, какку зигири, тортула;
С) фунария, тортула, какку зигири;
D) хара, тортула, фунария;
Е) плаун, фунария, какку зигири.

110. Ҳаво тозалигини аниқлаш учун қандай организмлардан биоиндикатор сифатида фойдаланиш мумкин?
А) бактериялардан
В) замбуруғлардан
С) қирққулоқлардан
D) лишайниклардан
Е) мохлардан

111. Қуйидагилардан қайсиси буғдой касаллиги?
А) мозаика
В) қоракуя замбуруғи
С) илдиз чириши
D) вилт
Е) гоммоз

112. Ноқулай шароитда содда ҳайвонлар нима ҳосил қилади?
А) споралар
В) цисталар
С) зооспоралар
D) зиготалар
Е) гаметалар

113. Қайси ҳайвон барча умуртқасиз ҳайвонлар ичида энг йириги ҳисобланади (танасини узунлиги 18 метр, вазни 300 кг дан ортиқ булади)?
А) краблар
В) денгиз тубида яшайдиган калъмарлар
С) денгиз тубида яшайдиган осьминоглар
D) медузалар
Е) икки палла чиғаноқли моллюска-тридакналар

114. Эхинококкнинг етук (лентасимон) шакли қандай организмда ривожланади?
А) одам организмида
В) йиртқич ҳайвонлар организмида
С) одам ва кўпгина сут эмизувчи ҳайвонлар организмида
D) утхўр ҳайвонлар организмида
Е) чиғаноқли шиллиққурт организмида

115. Қисқичбақанинг қон айланиш системасини характерловчи тўғри жавобни топинг?
А) ёпиқ, «юрак» узунасига ва кўндалангига кетган айланма томирлардан иборат;
В) очиқ; юраги икки камерали;
С) очиқ; юраги уч камерали;
D) очиқ; юраги беш бурчакли шаклга эга;
Е) очиқ; юраги найсимон.

116. Ҳашаротлар синфига кирувчи тангача қанотлилар туркумининг вакилларини кўрсатинг?
А) колорадо қўнғизи
В) асалари
С) чивин
D) уй пашшаси
Е) тут ипак қурти

117. Ҳашаротларнинг қон айланиш системаси қандай вазифаларни бажаради?
А) нафас олиш органларидан O_2 олиб, ҳужайраларга етказиб беради;
В) органлардан диссимиляция маҳсулоти ва CO_2 чиқазиб ташлайди;
С) бутун танани озиқ моддалар билан таъминлайди ва диссимиляция маҳсулотларини айириш органларига олиб боради;
D) очиқ моддаларни, O_2ни ташиб юради, охирги маҳсулотларни, CO_2ни чиқазиб ташлайди;
Е) Тана ҳароратини бир хил бўлишини таъминлайди.

118. Сувда ҳам қуруқликда яшовчиларнинг қуруқликда тарқалишини нима белгилайди?
А) иқлим шароитлари
В) озуқа модданинг кўплиги
С) сув ҳавзалари ва юқори намликнинг бўлиши
D) озуқанинг мўллиги, ҳарорат ва ёруглик
Е) организмлар сони

119. Судралиб юрувчиларда хусусан тез калтакесакда сезиш органи нима?
А) бармоқлари
В) думи
С) оғиз атрофи
D) тили
Е) оёқ учларидаги махсус мугуз тирноқлари

120. Балиқларнинг сузгич пуфаги қайси органлар системаси билан боғлиқ?
А) нафас олиш
В) айириш
С) қон айланиш
D) овқат ҳазм қилиш
Е) нерв

121. Қушлар мунтазам кўчиб юрганларида нимага асосланиб мўлжал оладилар?
А) кўзга ташланувчи мўлжалли белгиларга асосланиб;
В) шартли рефлексга асосланиб;
С) насл учун қайгуришга асосланиб;
D) инстинктга асосланиб;
Е) озуқа топишга асосланиб.

122. Мушуксимонлар оиласига кирувчи ҳайвонларнинг тирноқлари нима учун ҳамма вақт ўткир бўлади?
А) тирноқлари ҳар доим янгидан ўсиб тургани учун;
В) тирноқларини улар доимо чархлаб тургани учун;
С) тирноқлари юрганда алоҳида халтачаларга тортилиб тургани учун;
D) эски тирноқлари тушиб кетиб, доимо янгилари ўсиб чиқиб тургани учун;
Е) ҳар галги овдан кейин янги тирноқлари ўсиб чиққани учун.

123. Суякларнинг қаттиқлиги ва эгилувчанлиги нимага боғлиқ?
А) суякнинг микроскопик структура тузилишига
В) суякдаги моддаларнинг зичлигига
С) элементларнинг химиявий таркибига
D) органик ва минерал моддаларнинг нисбатига
Е) кумик моддаларнинг миқдорига

124. Силлиқ мускул тўқимаси учун нима характерли?
А) тез қисқариш ва энергияни кўп йўқотиш
В) нурни икки қайта синдириш
С) ихтиёрий қисқарувчанлик
D) секин қисқариш ва энергияни оз йўқотиш
Е) кўндаланг — тарғиллик

125. Пульс — бу ...
А) юрак бўлмасининг қисқариши;
В) томирлар деворларининг бир маромда тебраниши;
С) юракнинг синхрон қисқариши;
D) юрак қоринчаларининг қисқариши;
Е) қоннинг томирлар бўйлаб оқиш тезлиги.

126. Иммунитет ҳосил бўлишида иштирок этади:
А) эритроцитлар, тромбоцитлар;
В) фагоцитлар, лимфоцитлар;
С) лейкоцитлар, лимфоцитлар;
D) лейкоцитлар, фагоцитлар;
Е) барча лейкоцитлар.

127. Аортада қон оқимининг тезлиги қанчага тенг?
А) 0,5 м/с
В) 0,2 м/с
С) 0,25 м/с
D) 0,5 мм/с
Е) 0,3 м/с

128. Овқат ҳазм қилиш системасининг қайси бўлимида бир вақтнинг ўзида оқсиллар, ёғлар ва углеводлар парчаланади?
А) меъдада
В) ингичка ичакда
С) оғиз бушлиғида
D) ун икки бармоқли ичакда
Е) йўғон ичакда

129. Овқатни жуда тез ейдиган одам нега букиб қолиши мумкин?
А) ошқозон овқатга тўлганлиги ҳақидаги сигналнинг бош мияга тахминан 30 минут кечикиб боргани учун
В) ошқозон овқатга тўлганлиги ҳақидаги сигналнинг бош мияга жуда тез боргани учун
С) ошқозон овқатга тўлгандан кейин, ошқозон шираси кам ажралгани учун
D) ошқозон овқатга тўлгандан кейин, ошқозон шираси жуда кўп ажралгани учун
Е) ошқозон овқатга тўлганлиги ҳақидаги маълумотнинг бош мияга тахминан 20 минут кечикиб боргани ва овқат ҳазм қилиш шираси ҳаддан ташқари кўп овқатни парчалай олмагани учун.

130. Одам тери қоплами сатҳи тахминан қанчага тенг?
А) 1 $м^2$ атрофида
В) 2 $м^2$ атрофида
С) 3 $м^2$ атрофида
D) 4 $м^2$ атрофида
Е) 5 $м^2$ атрофида

131. Эмбрионнинг ривожланишида киндикнинг аҳамияти?
А) бачадонда эмбрионни ушлаб туриш;
В) эмбрионнинг қон айланиш системасини онанинг қон айланиш системаси билан боғлаш;
С) йўлдошга бириктириш учун;
D) сийдикни ҳайдаш учун;
Е) газ алмашиши учун.

132. Нерв системасининг қайси қисми автоном нерв системаси ҳисобланади?
А) ички органлар мускуллар ишини бошқарувчи қисмига;
В) скелет мускуллар ишини бошқарувчи қисмига;
С) фақат юрак ишини бошқарувчи қисмига;
D) ички органлар фаолиятини тартибга солувчи қисмига;
Е) танадаги уз фаолиятини автоном равишда бошқарадиган органларнинг нерв қисмига.

133. Нерв системанинг қайси қисмига соматик нерв системаси деб айтилади?
А) ички органлар мускуллари ишини бошқарувчи қисмига
В) скелет мускуллари ишини бошқарувчи қисмига
С) танадаги ҳамма мускуллар ишини бошқарувчи қисмига
D) бош мия мускулларини тартибга солувчи қисмига
Е) танадаги соматик ҳужайраларнинг ишини тартибга солувчи қисмига.

134. Қайси касаллик қалқонсимон безнинг катталашувига олиб келади?
А) кретинизм
В) базедов касаллиги
С) бронза касаллиги
D) микседема
Е) миопатия

135. Кузнинг ёрғликни сезувчи қобиғи...
А) шох парда
В) ёй парда
С) оқсил парда
D) тўр парда
Е) шишасимон тана

136. «Актив дам» олиш нима?
А) мусткул ишининг фаолланиши
В) мускул ишининг ритмик фаоллаши
С) қузғалувчанлик ошишидаги мускул иши
D) актив фаолиятнинг тўлиқ тўхташ билан алмашиши
Е) бир фаолият турини, бошқа фаолият тури билан алмашиши

137. Популяциялардаги индивидлар сони ҳаддан ташқари кўпайиб кетиши нималарга олиб келади?
А) Популяциядаги индивидларнинг серпуштлигининг камайишига, уларнинг ёппасига қирилиб кетишига.
В) Популяциядаги турлар орасида кураш жуда ҳам кескинлашишига.
С) Популяциядаги турлар орасида узаро ёрдам ва ҳамкорлик кучайишига.
D) Бирор ҳайвон ёки усимлик турини янги муҳит шароитига мослашишига.
Е) Янги зот ва навларнинг пайдо бўлишига.

138. Қуйидаги балиқларнинг қайси бирининг эркаги уруғланган тухумларини ўз оғзида олиб юради ва хавф туғилганда, кўпгина майда балиқлар унинг оғзида яшириниб олади?
А) Колюшка (Тиқанбалиқ).
В) Денгиз отчаси.
С) Африка чучук сув балиғи — Тиляпия.
D) Пикша.
Е) Навага.

139. Идиоадаптация нималарга сабаб булиши мумкин?
А) Организмнинг тузилиш даражасини соддалашувига.
В) Турнинг индивидлар сонини камайишига.
С) Ареалнинг торайишига.
D) Биологик регрессга.
Е) Биологик прогрессга.

140. Сут эмизувчи ҳайвонларнинг Ер юзида ҳукмронлик қилишини қайси ароморфозлар таъминлаган?
А) скелет, овқат ҳазм қилиш, қон айланиш ва бошқа органлар системаси тузилишининг мураккабланиши;
В) иссиққонлик, ички уруғланиш, насл учун қайғуриш;
С) органлар системасини мураккабланиши, бош мия ярим шарлар пўстлоғининг ривожланиши, сут билан наслни; озиқлантириш, иссиқ-қонлилик;
D) иссиққонлилик, тирик туғиш, нерв системаси (ярим шарлар пўстлоғининг) тараққий қилиши;
Е) органлар системаси, ҳаракатланишнинг мураккабланиши, тирик туғиш, насл учун қайғуриш.

141. Популяциялардаги индивидлар сонини гоҳ кўпайиб, гоҳ камайиб туриши қандай номланади?
А) ҳаёт тўлқинлари
В) табиий танланиш
С) яшаш учун кураш
D) мимикрия
Е)микроэволюция

142. Биогеоценозга таъсир этувчи антропоген факторларни кўрсатинг?
А) қуёш ёруглиги, ультрабинафша, инфрақизил нурлар
В) рельеф, ландшафтъ
С) намлик, ҳарорат
D) тупроққа ишлов бериш, химикатлар
Е) шамоллар ва вулқон отилиши

143. Қуёшдан усимликларга тушадиган жами нур энергиясининг қанчаси синтезланган органик моддалар химиявий боғларнинг потенциал энергиясига айланади?
А) 0,1% га яқин қисми.
В) 1% га яқин қисми.
С) 10% га яқин қисми.
D) 0,001% га яқин қисми.
Е) 0,01% га яқин қисми.

144. Экосистемаларда борадиган жараёнларнинг олдиндан айтиб беришга нима дейилади?
А) моделлаштириш
В) программалаштириш
С) биотехнология
D) олдиндан кўра билиш
Е) биоинженерия

145. Қуйида номланганлардан қайси гуруҳи геосферани тўлиқ таркибини ҳосил этади?
А) озонли экран, литосфера, тропосфера;
В) литосфера, биосфера, стратосфера;
С) литосфера, гидросфера, атмосфера;
D) литосфера, биосфера, тропосфера;
Е) гидросфера, тропосфера, стратосфера.

146. Озон экрани геосферанинг қайси бирида жойлашган?
А) биосфера.
В) тропосфера.
С) литосфера.
D) стратосфера.
Е) ионосфера.

147. Мембранасида ёғ, углевод ва оқсил синтези рўй берувчи органоид?
А) гольджи аппарати
В) эндоплазматик тўр
С) ҳужайра мембранаси
D) рибосомалар
Е) пластидалар

148. Ҳужайрада озиқ моддаларини ҳазм қилиш вазифасини ўтовчи органоид?
А) эндоплазматик тўр
В) гольджи аппарати
С) ядро
D) лизосомалар
Е) ҳужайра мембранаси

149. Бактерия ҳужайрасига жойланувчи вируслар қандай номланади?
А) бактерияли
В) бактериофаг
С) тамаки мозаикаси
D) энтобактериал
Е) эндобактериал

150. Зигота деб нимага айтилади?
А) сперматозоиднинг ривожланиши
В) тухум ҳужайрасининг ривожланиши
С) соматик ҳужайранинг ривожланиши
D) уруғланган тухум ҳужайраси
Е) гаплоид ҳужайраларнинг ҳосил бўлиши

151. Кўп ҳужайрали ҳайвоннинг кўпчилик ҳужайраларида учровчи бўлиниш усули?
А) амитоз
В) мейоз
С) митоз
D) шизогения
Е) эндомитоз

152. Хромосомалар сонининг камайиши билан боғлиқ ҳужайра бўлиниши қандай номланади?
А) амитоз
В) карионинез
С) митоз
D) мейоз
Е) оддий бўлиниш

153. Қандай жараён ёрдамида ўсимликларда соматик мутация асосида янги организм ҳосил қилиш мумкин?
А) митоз.
В) амитоз.
С) вегетатив кўпайиш.
D) жинсий кўпайиш.
Е) ҳеч қайси жараён бундай организмни ҳосил қилишга имкон бермайди.

154. Рецессив ген — бу ...
А) гетерозигота ҳолатда ўзини намоён этувчи ген;
В) гетерозигота ҳолатда ўзини намоён этмайдиган ген;
С) касаллик белгиларини намоён этувчи ген;
D) мутацияга учраган ген;
Е) мутация учун қулай шароит яратиб берувчи ген.

155. Қандай чатиштиришда белгиларнинг ажралиши генотип бўйича 1:2:1 ва фенотип бўйича 3:1 схемаси бўйича боради?
А) монодурагайнинг тўлиқ ирсийланишида;
В) дидурагайнинг оралиқ ирсийланишида;
С) таҳлилий чатиштиришда;
D) монодурагайнинг оралиқ ирсийланишида;
Е) дурагайларда умуман бундай ажралиш бўлмайди.

156. Жингалак соч нормал бўйли эркак билан, жингалак соч нормал бўйли аёл никоҳидан, тўғри сочли нормал бўйли фарзанд туғилган. Жингалак соч доминант, нормал бўй рецессив белги. Боланинг ота-онасини генотипини кўрсатинг?
А) $^{0}_{+}$ Аавв х о♂Аавв
В) $^{0}_{+}$ АаВв х о♂ АаВв
С) $^{0}_{+}$ АаВв х о♂ АаВв
D) $^{0}_{+}$ Аавв х о♂ Аавв
Е) $^{0}_{+}$ АаВв х о♂ АаВв

157. Буғдой, жавдар, дуккакли экинлар, ток ва мевали усимликларнинг маркази?
А) Эфиопия.
В) Марказий Америка
С) Урта Денгиз
D) Жанубий Ғарбий Осиё
Е) Жанубий Осиё

158. Донли сорго, бананнинг бир тури, мойли нўхат усимлиги ҳамда буғдой ва арпаларнинг келиб чиқиш маркази?
А) Эфиопия.
В) Урта денгиз
С) Жанубий Америка
D) Марказий Америка
Е) Жанубий Осиё тропик қисми.

159. Қуйидаги усимликларнинг қайсилари илашувчи пояли бўлади?
А) глициния, қуйпечак, лиана;
В) қозонсочиқ, қулупнай, ловия;
С) қозонсочиқ, ток, глициния;
D) лиана, ток, бодринг;
Е) ток, глициния, қовоқ.

160. Очиқ уруғларда уруғлангандан кейин уруғ куртакдан нима ривожланади?
А) зигота
В) споралар
С) гаметофит
D) спорофит
Е) уруғ

161. Моғор замбуруғлари қандай йўл билан кўпаяди?
А) жинсий йўл билан
В) чангчилари ва уруғчилари ёрдамида
С) тенг иккига бўлиниши йўли билан
D) куртакланиш йўли билан
Е) споралари ёрдамида

162. Лишайник қандай тузилишга эга?
А) пўстлоқ қатлам, яшил сув ўти ҳужайраси, ризоидлар, замбуруғ иплари;
В) пўстлоқ қатлам, яшил сув ўти ҳужайраси, ризоидлар;
С) пўстлоқ қатлам, яшил сув ўти ҳужайраси, бактериялар;
D) яшил сув ўти ҳужайраси, замбуруғ иплари, ризоидлар;
Е) пўстлоқ қатлам, яшил сув ўти ҳужайраси, замбуруғ иплари.

163. Инфузория туфельканинг катта ядроси қандай функцияни бажаради?
А) ҳаракатланиш жараёнини бошқаради
В) энергетик жараёнларни руёбга чиқаради
С) ҳаётий функцияларни: ҳаракатланиш, озиқланиш, чиқаришни бошқаради
D) бўлиниш жараёнини бошқаради
Е) жинсий кўпайиш жараёнини таъминлайди

164. Тананинг йўқолган ёки жароҳатланган қисмининг тикланиши қандай номланади?
А) дегенерация
В) дивергенция
С) конвергенция
D) репарация
Е) регенерация

165. Қорамол солитёрининг бошида ҳужайин танасига ёпишиб олиш учун ёрдам берувчи қандай органлари бор?
А) сўргичлари ва илмоқлари
В) илмоқлари
С) ёриқлари
D) сўргичлари
Е) сўргичлари ва ёриқлари

166. Ўргимчакнинг заҳарли тирноқчаси қаерда жойлашган?
А) жағоёқларида
В) думида
С) жағларида
D) ургимчак бўртикларида
Е) юриш оёқларида

167. Қуйидаги қаторларнинг қайси бирида чала ривожланиш билан борадиган ҳашоратлар туркуми кўрсатилган?
А) пардақанотлилар, қўшқанотлилар;
В) қўш қанотлилар, бургалар;
С) тангача қанотлилар, тўғри қанотлилар;
D) тўғри қанотлилар, битлар;
Е)қаттиқ қанотлилар, битлар;

168. Лейкоцитлар организмнинг қаерларида ҳосил бўлиб туради?
А) қизил ва сариқ илиқда
В) талоқда
С) бодомсимон ва айрисимон безда
D) қизил илиқда, талоқда, лимфа тугунларида
Е) лимфа системаси ва чувалчангсимон ўсимтада

169. Ҳар хил касалликларга қарши антителолар қоннинг қайси ҳужайраларида ҳосил бўлади?
А) эритроцитларда
В) лимфоцитларда
С) тромбоцитларда
D) фибриногенларда
Е) қон плазмасида

170. Упканинг тириклик сиғими қандай асбоб ёрдамида аниқланади?
А) термометр
В) тонометр
С) калориметр
D) спирометр
Е) метроном

171. Балиқчи қушлар жўжа очганида каннибализм ҳодисаси кузатилади. Бу ҳодиса яшаш учун курашнинг қайси хилига киради?
А) турлараро
В) тур ичида
С) ноқулай шароитга қарши
D) тур ичида ва турлараро
Е) яшаш учун кураш кузатилмайди

172. ДНК ҳужайранинг қаерларида бўлади?
А) ядрода, эндоплазматик тўрда, митохондрияларда;
В) ҳужайра ядросида, митохондрияларда, хлоропластларда;
С) рибосомаларда, митохондрияларда, ҳужайра марказида;
D) ядрода, гольжи аппаратида, хлоропластларда;
Е) ядрода, рибосомаларда, Гольжи аппаратида.

173. Энергия ажралиши жиҳатидан ҳужайрада энергия алмашишнинг қайси жараёни самарадор ҳисобаланади?
А) транскрипция
В) трансляция
С) АТФ синтези
D) гликолиз
Е) нафас олиш (кислородли парчаланиш)

174. Нуклеин кислоталар таркибига кирувчи углеводни аниқланг?
А) глюкоза, рибоза
В) галактоза, целюлоза
С) фруктоза, дезоксирибоза
D) мальтоза, рибоза
Е) рибоза, дезоксирибоза

175. Қуйидаги касалликларнинг қайсилари вирус касалликларига киради (вирус келтириб чиқарадиган касалликлар)?
А) тамаки мозаикаси, қорин тифи, қизамиқ;
В) тамаки мозаикаси, грипп, полиомиелит;
С) СПИД, қизамиқ, дифтерия;
D) дизентерия, сил, қизамиқ;
Е) чечак, СПИД, ангина.

176. Қайси узгарувчанлик фақат фенотипнинг ўзгаришига олиб келади?
А) мутацион
В) индивидуаль
С) коррелятив
D) модификацион
Е) комбинатив

177. Аллел генлар деб қандай генларга айтилади?
А) гомологик хромосомаларнинг ҳар хил участкаларида жойлашган жуфт генларга.
В) маълум бир хромосоманинг маълум бир локус (қисм) да жойлашган генларга.
С) гомологик хромосомаларнинг бир хил участкаларида жойлашган жуфт генларга.
D) бир хил белгиларни юзага чиқарадиган генларга.
Е) ҳар хил белгиларни юзага чиқарадиган генларга.

178. Гемофилия касаллиги рецессив белги бўлиб, унинг гени Х хромосома билан бириккан ҳолда наслдан-наслга ўтади. Агар гемофилик эркак шу касаллик бўйича соғ аёл билан турмуш қурса болаларида бу касаллик қандай тақрорланади?
А) ҳамма боласи гемофилия касаллиги билан касалланади;
В) ҳамма боласи соғ-саломат, касалланмаган;
С) ўғил боласи гемофилияли, қизлари шу касалликни ташувчи;
D) ўғил болалари соғ-саломат, қизлари гемофилия билан касалланган;
Е) ўғил болалари гемофилия билан касалланган, қизлари соғ-саломат;

(Тест савол-жавобларини Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, ТТМ ва «Маърифат» газетаси таҳририяти рухсатисиз чоп этиш ва тарқатиш мумкин эмас).

ҲАЗРАТИ ХИЗР ЮРИБДИ ҲУР ЎЗБЕКИСТОН АЙЛАНИБ

Тўра СУЛАЙМОН

ҚЎШЧИ ҚЎШИҒИ

Утган қиш қорли келди,
Кўклам ёмғирли келди.
Асад ҳовурли келди,
Кузин берсин илоҳим.

Ҳозир авжи қуш вақти,
Тиним билмас иш вақти.
Келса дам олиш вақти,
Рўзин берсин илоҳим.

Ҳайда, жонивор, ҳайда,
Заҳматсиз роҳат қайда?!
Маъмурчилик бор жойда
Нозим берсин илоҳим.

Тошни боссанг ун бўлсин,
Ноңимиз бутун бўлсин.
Зироат дуркун бўлсин,
Жазм берсин илоҳим.

Толиқиб, толмасайдик,
Орқада қолмасайдик.
Элдан уялмасайдик
Узим берсин илоҳим.

Муҳтож бўлмасмиз нонга,
Уралар тўлсин донга.
Тиним билмас бу жонга
Тўзим берсин илоҳим.

Ризқ-рўзимиз ерминан,
Қора меҳнат, терминан.
Хирмонга қут, қўрминан
Уним берсин илоҳим.

Қушойиш ҳар кунига,
Хотиржамлик тунига.
Бирига ун, унига
Юзин берсин илоҳим.

ҚОЛМИШ

(Амирқул Пўлканни эслаб)

Жигарим, бунчалар
шошмасанг эди,
Узансиз дарёдай тошмасанг эди,
Орага улимни қўшмасанг эди.
Кимда қолмиш кўклам,
ёзларинг сени?

Баҳордай барқ уриб
очилган чоғда
Қолдириб кетдинг сен бизларни доғда.
Энди учрашгаймиз қайси бир боғда?..
Қайда қолмиш қутлуғ
Изларинг сени?

Сен билан қора ер тўярми эди?
Тўйиб, бу одатин қўярми эди?
Сенинг ҳам кўрғонинг тайёрми эди?
Келмай туриб тўйин
Кузларинг сени?

Айттил, бу чинингми, ҳазилингмидир?
Жудолик аталмиш газалингмидир?
Бу азал маконинг, манзилингмидир?
Кимга аён, айттил,
Розларинг сени?

Ҳали куз келмасдан қишинг тушдими?
Хатарли қафасга қушинг тушдими?
Туйнуксиз қулбага ишинг тушдими?
Мулмасмиди айтар
Сўзларинг сени?

Мунис шеъриятинг — иффатли қиздай,
Ҳали қўл тегмаган янги қўбиздай,
Қори, қирови йўқ баҳордай, ёздай,
Қайга учмиш суқсур,
Ғозларинг сени?

Орзуларинг фақат сўзингда қолмиш,
Изларинг далаю тузингда қолмиш,
Қолган борлиқ умринг назмингда қолмиш,
Қулдан қўлга ўтгай
Созларинг сени.

АЙЛАНИБ

Ин айланиб яшар майна, қарчигай осмон айланиб,
Қузғун ўлжа илинжида, жигалтой ўрмон айланиб.
Тустовуқ тўқай ичинда, қорақуш зиндон айланиб,
Қарқара изгир қонсираб тегрангда пинҳон айланиб.
Тун-оқшом кезар бойўғли ёмондан-ёмон айланиб.
Қон тўкилган ерга келмас андалиб бўстон айланиб.
Саъва чаман ичра, қумри парвона райҳон айланиб.
Турна парвоз этиб кўкда, қирғовул ёбон айланиб.
Қалдирғоч келса, эшик оч, юрмасин илон айланиб.
Хушхабар элтар кабутар эл аро омон айланиб.
Бахт қуши топмиш қўналға шонли Туркистон
айланиб—
Уз ҳолига келмиш Турон замондин-замон айланиб.
Ҳазрати Хизр юрибди ҳур Узбекистон айланиб,
Тугросига қунмиш Ҳумо мустаҳкам Қўрғон айланиб,
Чор атрофга зоғ йўлатмас Семурғ девон айланиб.

Амир Темур руҳи шодмон иззатли Ҳоқон айланиб,
Бу не бахтким юрса Ҳуд-Ҳуд Тўра Сулаймон айланиб.

***

Тутқич бермай туриб майдонга чорлар,
Майдон нелигини билмас бир иним,
Бел олиб, беллашсанг зорланар, зорлар
Ва лекин теграмда изгир бетиним.

Майдон қурган бўлса кошкийди насли
Маддоҳ бўла келган насаби асли.
Борлиқдан тилагим: келмай куз фасли
Бундай безодларга қолмасин куним.

Кошкийди фарқ қилса гулдан алафни
Қутариб юрибди лаъл деб садафни.
Майдон деб тушунар гийбатни, гапни
... Фурушлигига йўқ, йўқдир гумоним.
Чалиши мумкиндир, чайқаша билмас
Орият талашиб айқаша билмас.
Арғумоқ мисоли олиша билмас,
Қушилса қайнамас, қайнамас қоним.

Қувиб эмас, бирда қочиб енгар у,
Бирларда онт, қасам ичиб енгар у.
Ё она сутидан кечиб енгар у,
Қулбола талантли тулкисимоним.

Суяк ташлаб қўйиб, тинчитгим ҳам йўқ,
Ялоқдин ўзга бир илинжи ҳам йўқ.
Итнинг бори яхши... ранжитгим ҳам йўқ,
Сабаб: тоза тутар у ён, бу ёним...

ҚАЙРОҚИ

Мен қочиб қутула олмаган нарсага сен қувиб етолмай келдинг. Қизиқ...

*

От оғнаган ерда тук қолар.

*

Бир турлидан бой бўлгунча
Ҳар турлидан шай бўл.

*

Бирлар суюш учун синарлар,
Бирлар синдириш учун синарлар.

*

Дўст ичмаган қозонда тош қайнасин.

*

Олашақшақ тинимсиз шақиллаб турган ерда булбулга йўл бўлсин.

*

Совурганинг — елга
Шопирганинг — селга
Безаганинг — белга
Тежаганинг — элга.

Қориндан чиққан қўшиқнинг қулоқдан нарига ўтмасликка «ҳаққи» бор. Қон томирлари қалтираб айтилган қўшиқ эса қалбга етиб боради.

*

Ёмон хотуннинг эри туриб эрсиз, ёлқов деҳқоннинг ери туриб ерсиз яшашини томоша қилинг.

Ғалабанинг 50 йиллиги олдидан

ОГОҲ БЎЛИНГ, ОДАМЛАР!

Урушдаги воқеалар қуламининг кенглиги ва шиддатли таассуротларнинг бойлиги баъзан шеърий асарларда тулиқ ифода топиши қийин эди. Буни яхши ҳис қилган жангчи шоирлар насрга ҳам қўл урдилар. Урушгача шеърлари, поэмалари билан танилган Иброҳим Раҳимнинг жангчиларнинг қаҳрамонона қурашини улуғлайдиган бир қатор жанговар насрий асарлари шу тариқа бунёдга келди. Иброҳим Раҳим асарларида кўпроқ ҳаётий воқеликни, жангчилар онги ва руҳиятида содир бўлган муҳим ўзгаришларни жанговар публицистик руҳда кўрсатишга ҳаракат қилди.

Уруш даври ҳарбий насри ҳақида гапирганда, албатта жангчи-ёзувчи Иброҳим Раҳимнинг уруш даврида ёзган очерк ва ҳикоялари тўғрисида тўхталмасдан ўтолмаймиз.

Иброҳим Раҳим ижоди суронли йилларда тобланди. Уша йиллар «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетаси адабиётининг қон томири бўлган ватанпарварлик ғояси адибнинг «Икки минут тарихи», «Икки ўқнинг алангасида» ҳикояларида, «Ўзбекистон танклари Германия юрагида», «Излар» каби очеркларида ёрқин ифодаланган.

Жангчи-ёзувчилар фронтда ҳам мамлакат ичкариси билан узвий алоқада бўлишган. Улар адабиет арбоблари билан хат-хабарлар ёзишган. Жасоратга, мардликка чақирувчи мактублар олиб туришган. Иброҳим Раҳим бу ҳақда шундай дейди: «Мен фронтдаги ўзбек йигитларининг жасорати ҳақида Ҳамид Олимжонга хатлар йўллаб турардим. Устоз Ҳамид ака эса республика адабиёти янгиликларидан, халқимизнинг фронтни мустаҳкамлаш учун қилаётган қаҳрамонона ҳаётидан бизни хабардор қилиб, бизга галаба тиловчи оташин сўзлар ёзарди. Ҳамид аканинг мактубларини жангчилар окопма-окоп, қулма-қўл қилиб ўқирди. Мактубларнинг бирида мен Ҳамид акага мурожаат қилиб, Тошкентда фашистларга қарши митинг ўтказиб, ҳамма ўзбекларга, шу жумладан хорижий мамлакатларда яшовчи ўзбекларга мурожаат қилинса, дунёдаги жами ўзбек фашизмга қарши қаттиқ кураш бошласа, бу курашда битта ҳам ўзбек четда қолмаса, деб эдим.

Орадан сал ўтмай Ҳамид Олимжондан шодлик жавоби келди ва тез орада Тошкентда шундай митинг бўлиб ўтгани, унда Ҳамид Олимжон нутқ сўзлаб, менинг уша хатимга тухталиб утганини билдирувчи газета ҳисоботларини ўқидим».

Ижодий меҳнат адибдан жуда катта кўч талаб қилади. Бу кўч Иброҳим Раҳимда етарли булган. Шунинг учун таниқли адабиётшунос Лазиз Қаюмов адиб ҳақида шундай дейди: «Прометей — инсонларга олов келтирган қаҳрамон сифатида тарихда машҳур. Назаримда ҳар бир адиб, маълум маънода Прометейга ухшайди. У ўқувчиларга кафтида олов келтиради. У қаҳрамонларининг қалбидаги қуёшни қутлайди. Қуёш эса ҳаёт манбаидир. Шу маънода адиб Иброҳим Раҳимни, унинг ўзидан ибора қарз олиб, «Оловкор» деб атадик. Чиндан ҳам инсонлар қалбини олов билан қизитувчи, ижодкор шахс учун бу ибора жоиз, деб ўйлайман».

Ҳақиқатда, И. Раҳимнинг уруш даврида ёзган ҳикоялари қаҳрамонлари ҳам ўзи каби «оловкор». Улар ут шишаларни елкаларига қўйиб, дарёларга тутишади, прожекторлар ёқиб душманга қарши ҳужумга ўтади.

Ёзувчи «Икки ўқнинг алангасида» ҳикоясида урушнинг жанг манзарасини, аскарлар жасоратини жонли тасвирлайди. Ўқувчи жангтоҳларда боради, отишмаларда иштирок этади, пулемёт, туп, милтиқларни қўздан кечиради. Жангчилар билан окопма-окоп, блиндажма-блиндаж юради, бирга овқатланади, дам олади, севгилисига хат ёзади, яраланган солдатларга қўшилиб инграйди, осилган оналарни, ўлдирилган гўдакларни кўриб наъра тортиб душманга ташланади. Бу ҳикояда ёзувчи Мели Йўлдошев образи орқали она-Ватанни ҳимоя қилишда жасорат кўрсатган жангчиларнинг ўзига хос хусусиятларини мужассамлаштирган.

Адабиётшунос Маҳкам Маҳмудов «Қурол ва қалам» мақоласида адибнинг «Чин муҳаббат» романи бош қаҳрамони Нормат Жабборовнинг жангда қандай ҳаракат қилиши, унинг ўй-кечинмалари ҳақида фикр юритади ва Норматнинг ўқувчилар орасида шуҳрат топиши сабабларини тўғри кўрсатади. Иброҳим Раҳим «Чин муҳаббат» романини ёзишдан олдин 1945 йилда «Икки минут тарихи» деган ҳикоя ҳам ёзган. Ҳикояда Нормат Жабборовнинг жанглардаги қаҳрамонлиги, жанговор дўстларига меҳр-муҳаббати, юксак инсонийлик хислатлари, «оловкор» жангчининг тафтини ҳис қиламиз.

Иброҳим Раҳим 1937 йилдан то немис-фашист босқинчилари устидан ғалаба қозонилгунча, умрининг жўшқин пайтларини ажал ўқлари ёғилиб турган блиндажларда, окопларда, урмонларда утказди. Бу ҳақда ёзувчининг ўзи шундай дейди: «Мен уруш фронтларида бошдан охиригача — фахрли Ғалаба кунигача иштирок этдим. Сайёр ва сиёсий ходим, журналист ва танк қисмлари командири сифатида ҳар хил лавозимлардаги жанговар хизмат давомида ҳам заррача буш вақт топилса, қалам тебратиб турдим. Планшетимнинг бир томонида жанговар буйруқлар ва оператив хариталар, схемалар турса, иккинчи томонида ёзув дафтарим турарди. «Чин муҳаббат» романимнинг биринчи варианти чекинаш ва манёвр жанглари даврида йўл-йўлакай ёзилган эди. Афсуски, асл ҳужжат шакллари бу вариант чамадоним билан сапёрлар машинасида немис бомбасидан ёниб кетди.

Урушнинг энг заҳматкаш иштирокчилари булган сапёрлар ҳаётидан олиб ёзилган бу китобнинг иккинчи вариант қулёзмасини фронтдан Тошкентга юборган эдим. Нашриет ходимларининг айтишича, у нашриет биноидан бинога кучаётганда йўқолган».

Ёзувчи инсон иродаси, унинг қудрати ва матонатини «Чин муҳаббат» романи воқеаларининг давомини акс эттирувчи «Фидойилар» романида, «Мангулик қўшиғи» қиссасида яна ҳам таъсирли тасвирлаб берган. Ҳар икки асарга материални «Чин муҳаббат»даги каби урушнинг узидан танлаган.

Адибнинг бу романида ҳам Нормат Жабборов, Адолат, Бегимхон ва бошқалар ҳаракат қилади. Бегимхон билан Қорақошнинг тақдири, уларнинг фронтдаги ҳаёти, дўстлиги ёрқин бўёқларда тасвирланган.

«Фидойи» романида ўзбек аёлларининг фронтдаги хизматлари, уларнинг характерларидаги янги қирраларнинг очилишини янгилик деса булади. Романда муваффақиятли чиққан образлардан Михайлова, Акимова. Бу образлар орқали оналарга хос меҳрибонлик, шу билан бирга газабланган онанинг қаҳри қилич тиғидан «ўткир»лигини кўрсатишни ёзувчи ўз олдига мақсад қилиб қўйганлиги яққол билиниб туради.

«Фидойи» романига нисбатан «Мангулик қўшиғи» қиссаси бадиий бақувват, драматизмга бой. Ҳамдамов, Комилов образлари орқали қиссага шиддатли руҳ, стук қаҳрамон, эпик полотно учун муҳим булган тақдир кирган.

Рота командири Ҳамдамов маънавий стук, баркамол, жасур киши. У барча машаққатларни матонат билан енгганлигини табиий бўёқларда кўрсатади. Қолаверса, асардаги ҳар бир воқеа ўз йўналишига эга. Уларнинг ҳаммаси сюжет чизигига келиб уланади. Шунинг учун Иброҳим Раҳимнинг «Мангулик қўшиғи» қиссасини эпик асар, дея оламиз. Чунки, унда ёзувчи ижтимоий муҳитни ҳаққоний тасвирлайди, воқеалар ҳаяжонли, қалбни тулқинлантиради, қаҳрамон шахси, характерини ўз шахсидан ажратмаган ҳолда кўрсатган.

Иброҳим Раҳим уруш машаққатларини кўрган-кечирган ўзбек ёзувчиларидан. Шунинг учун бўлса керак, унинг ижоди асосини уруш мавзуи эгаллаган. У асарларида «Огоҳ бўлинг, одамлар!» деб уруш халқимизнинг асрлар бўйи нина билан қудуқ қавлагандай не машаққатларда йиғилган бойлигию бино қилган шоҳар, қишлоқларини вайрон этганини, халқнинг миллионлаб сара фарзандларини ҳалок этганини эслатиб туради. Бугина эмас, адиб уруш даврида халқимиз урушнинг ҳар бир минутида, дақиқасида мардлик, қаҳрамонлик кўрсатганлигини ўқувчиларга ҳикоя килиб беради. Уларни ўз ота-оналаридек жасоратли булишга даъват этади.

Адибнинг уруш даври ижодига баҳо берадиган бўлсак, юқорида тилга олинган асарлар халқ уртасида, аскарлар уртасида даъваткорлик кучи жуда катта бўлган. Бунинг устига наср жанрини бойитган, адабиётимизга янги мавзу, янги қаҳрамон, янги услуб олиб кирган. Бу асарлар ўсиб келаётган ёш авлодни оталар руҳида тарбиялашга, фаровон ҳаётимизни, юртимизни кўз қорачигидек сақлашга, дўстлик, биродарликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўтамурод НУРМУҲАМЕДОВ, филология фанлари номзоди.

СУЛОЛА САРКОРИ

Мирзакарим Абдураҳмоновни нафақат Ёмда, балки Зомин туманида яхши танишади, ёши, мартабасидан қатъи назар, ҳамма уни бирдек эъзозлайди. Бундай ҳурматнинг боиси, аввало, Мирзакарим аканинг камтарлиги, самимийлигидир. У умрининг салкам эллик йилини ёш авлодни тарбиялашга сарф этди. Ўқувчилари бугун республикамизнинг турли жойларида эл-юртга хизмат қилишмоқда. Мирзакарим акага кўрсатилган эътиромнинг яна бир боиси у — уруш қатнашчиси.

Биз ҳам у билан уруш таассуротлари ҳақида суҳбатлашиш ниятида уйига ташриф буюрдик.

— Сталинград мудофааси учун жанг давом этаётган бир пайтлар эди, — дея хотирлайди домла. — Биз душманга қақшатқич зарба беряпмиз. Пулеметдан ўқ ёғдириб турибман. Ўқдонларни етказиб бераётган йигит (унинг фамилияси ҳам Абдураҳмонов) нинг қўли-қўлига тегмай турувди. Мен пулеметни бошқариш билан бандман. Бир пайт ўқ тугаб қолди. «Ўқ, ўқ», деб енимга бурилдим. Қай кўз билан боқайки, қуролдошим менга тикилганча қимирламай ётар, унинг кўзларидаги нур бир умрга сўнган эди...

Абдукарим ака 1941 йил жанг майдонида яраланди. Унинг бир оёғи, кўзи қаттиқ лат еди. Госпиталда даволангач, 1944 йилда у яна қадрдон қишлоғи Ёмга қайтиб келди. Ушанда Абдукарим аканинг лабида снаряд парчаси қолган эди. Ана шу совуқ темир парчасини у салкам қирқ саккиз йил ўзи билан бирга олиб юрди. Лекин сўнги йилларда снаряд парчаси вужудини зирқиратиб оғритар, унга куну тун ҳаловат бермасди. Ниҳоят, 1991 йилда снаряд парчаси жарроҳлик йўли билан олиб ташланди. М. Абдураҳмонов урушдан қайтгач, яна қадрдон касби — ўқитувчилик билан шуғулланди. У 21, 35, 39-мактабларда ўқитувчи, директорлик лавозимларида фаолият курсатди. 1977 йилдан 1985 йилгача 55-мактабда директорлик қилди. Турмуш ўртоғи Гулинисо опа (у ҳам ўқитувчи бўлиб ишлаган) билан оиласидаги фарзандларини меҳнатсевар, билимли қилиб тарбиялашга ҳаракат қилди. Натижада бугунги кунда ушбу хонадондан етишиб чиққан ўқитувчилар сафи кўпайди. Тунғич фарзанди Мирзаазим ака 11-ҳунар-техника билим юрти директори, Мирзарайим 65-мактабда ташкилий ишлар бўйича директор ўринбосари, қизлари Муқаддас ва Сайёра ҳам мактабда, боғчада тарбиячи. Келини Шаҳодат ёш авлодга сабоқ беради. Қисқаси хонадонни ўқитувчилар сулоласи дейиш мумкин.

М. Абдукаримов кўп йиллик педагогик фаолияти учун «Ўзбекистон халқ таълими аълочиси» нишони билан тақдирланган.

Мирзакарим аканинг бутун умри болалар билан ўтди. Ҳозир ҳам у қишлоқдаги туй-маъракаларда, ободончилик ишларида бош-қош.

Буюк Ғалабанинг 50 йиллиги муносабати билан жойларда уруш қатнашчилари билан учрашувлар ўтказилмоқда. Учрашувларда Мирзакарим ака ўқувчиларга жанговар қунлар, кишиларнинг фидойилиги, аҳиллиги ҳақида ҳикоя қилиб, ёшларни яхши ўқиш ва меҳнатсевар, ватанпарвар булишга даъват этмоқда.

— Тинчлик, осойишталик энг катта бойлик. Мустақил республикамизнинг гуллаб-яшнаши учун тинчлик сув билан ҳаводек зарур, — дейди Мирзакарим ака.

Абдусаттор СОДИҚОВ, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

Суратда: Мирзакарим ака Абдураҳмонов (ўртада) Брест қалъасига сафар чоғида. У қалъа уй музейига қуролдошига тегишли кийим-бошларни тақдим этмоқда.

Спорт

Республика ўқувчиларнинг III спартакиадаси

Илк чемпионлар

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидаги ўқувчилар III спартакиадаси старт олди. Шу кунларда спорт залларида, стадионлар ва спорт майдончаларида қизғин беллашувлар давом этмоқда. Тошкент шаҳрида — бадиий гимнастика, қиличбозлик, шахмат бўйича, Хива шаҳрида эркин кураш, оғир атлетика мусобақалари якунланди.

Республикамизнинг Ангрен, Бухоро, Самарқанд, Қўқон, Наманган, Фарғона, Чуст шаҳарларида бокс, баскетбол, волейбол, футбол, стол тенниси, спорт гимнастикаси ва бошқа спорт турлари бўйича мусобақалар давом этмоқда.

БАДИИЙ ГИМНАСТИКА

Пойтахтимиздаги Армия марказий спорт клуби залида 8 апрелда бошланган бадиий гимнастика мусобақаси қатнашчилари тўрт кун мобайнида ўз маҳоратларини кўрсатишди.

Арғамчи, тўқмоқ, копток ва тасмада машқ бажаришда Тошкент шаҳри командаси вакиллари энг яхши кўрсаткичларга эришишди. Шахсий мусобақада кўпкураш натижаларига кўра Люба Ломакина спартакиада чемпиони бўлди. Лена Мешерекова — иккинчи, Таня Бударина учинчи ўринни эгаллади.

Бадиий гимнастика бўйича Тошкент шаҳри командаси ҳурмат шоҳсупасидан ўрин олди. Бухоро ва Қорақалпоғистон Республикаси командалари иккинчи ва учинчи поғоналарни эгаллашди.

Мухбиримиз.

***

ҒАЛАБА БАЙРАМИ ШАРАФИГА

М. Маҳмудов номидаги 26-ўрта мактабда Буюк Ғалабанинг 50 йиллиги олдидан «Спорт фестивали» ўтказиш режалаштирилган. Фестивал режасига кўра, 20 га яқин спорт турлари бўйича беллашувлар уюштирилади. Яқинда мактабнинг 8, 9, 10, 11-синф ўқувчилари ўртасида М. Маҳмудов хотира совринчи учун волейбол, тош кўтариш бўйича, 5—11-синф ўқувчилари ўртасида кичик футбол бўйича, 1—11-синф қизлари ўртасида шашка бўйича мусобақалар ўтказилди.

Мактабда спортнинг бошқа турлари бўйича мусобақалар уюштиришга қизғин ҳозирлик кўриляпти.

Б. ЭЛЧИЕВ. Олтиариқ тумани.

Ҳунар — зар

МАКТАБДА ҲУНАРМАНДЧИЛИК ЦЕХЛАРИ

Қамаши туманидаги Ғафур Ғулом номидаги 63-ўрта мактабда ўтган йили гилам цехи ташкил этилди. Бу ишга Чимқўрғон механизациялашган кўчма колоннасининг бошлиғи Ражаб Турдиев ҳомийлик қилди.

Меҳнат таълими ўқитувчилари Соҳиба Тоштурдиева, Муяссар Тоғаева, Ҳулкар Худойназарова, Замира Эшпўлатовалар юқори синф ўқувчиларига дастгоҳда гилам тўқиш сирларини пухта ўргатишмоқда. Дастлабки тўқилган шарқона нақшли гилам туман кўргазмасида юқори баҳоланди. Илм толибларининг бу ҳунармандчиликка ҳаваси тобора ортаётганлиги сабабли яна бир гилам дастгоҳи қурилиб ишга туширилди.

Ўқувчиларга мактабдаёқ ҳунар ўргатиш янада кенг қулоч ёзаётир. Меҳнат таълими ўқитувчилари Искандар Рамазонов, Бозор Абдиевларнинг ташаббуси билан сандиқсозлик, радио ва телевизор устахонаси, қандолат цехлари ташкил этилди. Кўпгина ёш талабалар билим олиш билан бирга ҳунар ўрганиш имкониятига ҳам эга бўлишди.

Қандолат цехида тайёрланаётган ҳар хил ширинликлар мактаб буфетида арзон нархларда ўқувчиларга сотилмоқда.

Хайрулла ТЎРАЕВ.

Дил изҳори

ИСТИҚЛОЛ ШАРОФАТИ

Она-Ватанимизнинг мустақиллиги туфайли барча орзу-истакларимиз, ниятларимиз аста-секинлик билан рўёбга чиқмоқда. Энг аввало, миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз, она тилимиз, динимиз ўз қадрини қутарди. Бу тарихий вақеаларнинг гувоҳи, иштирокчиси, қолаверса, Узбекистоннинг фуқароси бўлганлигимнинг ўзи менга олам-олам қувонч бахш этади.

Халқ таълими соҳасида фаолият кўрсатаётганимга йигирма йилдан ошди. Ана шу йиллар мобайнида мен ёшларга тарих фанидан сабоқ бериб келдим. Аммо, энди бундай уйлаб қарасам, мустақил булганимизга қадар ўз тарихимиз, она—Узбекистонимиз тарихи билан шугулланмаган эканмиз. Россия тарихини узундан-узун соатларда ёшларга тушунтирганимдан, Узбекистон тарихи ҳақида лом-мим демай умр ўтказганимдан, гоҳо афсусланаман. Албатта, бу собиқ қизил империя сиёсатининг қурбони бўлганимиз, қарамлик касофати эканлигини гоҳо уйлаб кунглим бир оз таскин топади.

Юртбошимиз И.А.Каримовнинг келажаги буюк давлатимиз—Узбекистонни, ўзбек миллатини, ўзбек диёрини халқаро миқёсда танитаётганликлари, обрусини қутараётганликлари қалбларга чексиз қувонч ва фахр-ифтихор бахш этади. Бошқа давлат арбоблари қатори Франция Президенти Ф.Миттераннинг Шарқ, айниқса, Узбекистон тарихи ва маданиятини яна бир бор эътироф этиши мустақиллигимиз туфайлидир. Ана шу буюк неъматдан бахраманд булганлигимиз учун ҳам бугунги кунда тарихимизни кенг ва чуқурроқ ўрганишимиз, айниқса, ўқувчи-ёшларга ўз юртимизнинг ўтмиши, бугуни, эртаси ва келажаги ҳақида аниқ ва равшан маълумот бериш, юртим деб, элим деб ёниб яшайдиган фидойи ва мардларни тарбиялаш ҳамкасбларим қатори менинг ҳам бурчим ҳисобланади.

Шу кунларда мен Бўрибой Аҳмедов сингари ўзбек халқи тарихининг чуқур билимдонлари асарларини ўқиб-ўрганиш билан бир қаторда, ўзим ўсиб улгайган ҳудуд тарихини ўрганиш устида ҳам қатъий иш олиб бормоқдаман ва буни ёшларга ўргатмоқдаман. Мен изланиш олиб бораётган Узунтепа тарихи ва у ердан топилган қадимий ноёб иш қуролларининг намуналари тарихимиз сарчашмаси қадим-қадим замонларга бориб тақалганидан гувоҳлик беради. Шундай имконият, бахт, эртанги кунга ишонч менга ҳам насиб этганидан чексиз бахтиёрман.

Меликул ТОШПЎЛАТОВ, Самарқанд вилояти Тойлоқ туманидаги С.Ашуров номидаги 4-мактаб ўқитувчиси.

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ СИРТҚИ БЎЛИМИ ТАЛАБАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Жорий ўқув режаларига мувофиқ Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти 1994—95 ўқув йилида давлат имтиҳонларини факультетлар бўйича қуйидаги муддатларда ўтказади.

1. Мактабгача тарбия педагогикаси, физика, математика, меҳнат, бадиий графика, биология, география, кимё факультетларида — 1. VI — 30. VI. 1995 йил.

2. Тарих, бошланғич таълим методикаси, дефектология (олигофренопедагогика, сурдопедагогика) факультетларида — 1. VII — 31. VII. 1995 йил.

Шу муносабат билан институт раҳбарияти жойлардаги мактаб директорлари, халқ таълими ташкилотлари раҳбарларидан битирувчиларга давлат имтиҳонларига тайёргарлик кўриш ва муваффақиятли топшириш учун зарур шароитлар яратиб беришни сўрайди.

Низомий номидаги ТДПИ ректорати.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, «Маърифат» газетаси таҳририяти ёзувчи, газетанинг собиқ бош муҳаррир ўринбосари Султон Акбарийга нуридийдаси

Яшин АКБАРОВнинг

бевақт вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент юридик коллежи жамоаси коллеж директори Исматулла Мамановга отаси

Ҳамид

МАМАН ўғлининг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Шайхонтоҳур туманидаги 141-мактаб илмий бўлим мудири Тоғаева Комилага отаси

НУРБОЙ ТОҒАЕВ

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти жамоаси собиқ катта илмий ходим, педагогика фанлари номзоди

Хайриддин АСАЛОВ

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

«МАЪРИФАТ»

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир
Саъдулла ҲАКИМ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кучаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кучаси, 41-уй.
Навбатчилар: Асқар Шокиров, Жўрақул Искандаров.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0162. 34166 нусхада босилди, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6